Миллий Тиклониш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1995 йил, 14 ноябр | 23- сон

ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ БЕРДИ

ҚИЙНАЛИБ ЯШАСАК ҲАМ, ҚАЙНАБ ЯШАЙЛИК

Покистон Бош вазири Беназир Бхутто жаноби олияларининг Ўзбекистонга қисқа расмий келиши, бўлиб ўтган музокаралар муносабати билан Президент Ислом Каримов телевидение орқали, бу учрашувдан кузатилган мақсад, музокараларнинг натижалари ва кенг маънода Ўзбекистон билан Ўрта Шарқ мамлакатлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий борди-келдилар, уларнинг мамлакатлар, халқлар тақдиридаги аҳамияти хусусида ўз қарашлари, тушунчалари ва орзу-тилакларини батафсил баён қилди.

Журналистлардан бирининг қисқа бир муддат ичида катта бир мамлакат давлат раҳбарининг икки маротаба Ўзбекистонга келиши дипломатия тарихида ноёб ҳодиса. Бунинг боиси нима? — деган мазмундаги саволига Президент Ислом Каримов, чунончи, шундай жавоб берди:

— Бу аввало, мустақил Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори. Қоларса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юбилей сессиясида Ўзбекистон номидан кўтарилган муаммолар дунё мамлакатларининг раҳбарлари эътиборини ўзига жалб этмоқда. Улар биз кўтарган ва ўртага ташлаган ғоялар атрофида фикрлашга, амалий қадамлар қўйишга қизиқиб қарамоқдалар. Бунинг устига айтайлик, Афғонистон ва Тожикистондаги аҳволни тубдан соғломлаштириш, яхшилаш, тинч тараққиёт йўлини очишга Халқаро ҳамжамият бундан бўён кенг миқёсда жиддий аҳамият бериб қарашига ҳаммамиз умидвормиз.

Янги замон руҳи давлат арбобларининг тез-тез учрашиб туришларини тақозо этмоқда.

Қўшнинг нотинч-сен нотинч, деган нақл мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга ҳам тўлалигича тегишли.

Беназир Бхутто жаноби олиялари билан Ислом Каримовнинг расмий учрашуви чиндан ажойиб учрашув.

Мен Беназир хонимнинг доно ва оқила чеҳраси, равшан-тиниқ ўй-фикрлари, дунё муаммолари даражасида тийран ўйлаши, мусаффо кўзларининг доим асрий хаёлларга тўлалигини ва унинг рўпарасида фикр ва муаммолар тўлқинлари, пўртаналарига ғарқ бўлиб ўтирган, сўзларида ҳамишагидай жиддийлик ва қатъият тўла ифодасини топаётган Ислом Каримов ўз мавқеи миқёсида фикрий қамровларга интилишини бутун ўзбекистонликлар қатори кузатиб ўтирарканман, бу фикр алмашувлар, учрашувлар, муҳим муаммоларни ҳал қилишга рағбатларни ажойиб учрашув, ажойиб фикрлар дунёси деб атагим келади.

Ўрта Шарқ мамлакатлари ва жумладан, Ўзбекистонни чулғаган ички ва халқаро муаммоларнинг даражалари, миқёслари шундайки, уларни ҳар қанча уринсангиз ҳам, босиқлик, вазминлик билан баён қилиш, айниқса, изоҳлаш, тушунтириш қийин.

Бизнинг муаммоларимиз пўртана муаммолар. Биз ҳаммамиз эса истасак-истамасак пўртанада яшаётган кишилармиз. Остонамизда пўртана шовуллаб ётибди. Биз қандай қилиб ундан ўзимизни четга оламиз? Қандай қилиб, бу пўртана бизга дахлдор эмас деб турамиз? Қандай қилиб, билганларингни қилинглар, бизнинг эшигимиз бошқа, деб айтамиз?

Бизнинг тақдиримиз атрофимиздаги узоқ яқин мамлакатларнинг тақдирлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Шу тўхтовсиз қайнаган ҳаёт ҳаммамизга дахлдор. Шу қайнаган масалалар эса бизнинг ҳам масалаларимиздир.

ЙЎЛ — ҲАММА ВАҚТ ЭРКИНЛИК

Кеча Президентимиз мусаффо осмон, кексаларнинг дуоси-тилаги, сизу бизнинг ёш фарзандларимиз, набираларимиз, наслларнинг келажаги, тинчлик ва эркинлик, сиёсат ва иқтисод, яхши қўшничиликнинг аҳамияти ва удумлари ҳақида сўйлади.

У доим кишиларга тушунарли тилда гапиради. Оддий одамларга яхши тушунарли нарсалар тўғрисида муҳокама юритади.

Демократиянинг илк қонуни шу: раҳбарнинг оддий халққа тушунарли тилда сўйлаши, раҳбарнинг халқни, халқнинг раҳбарни яхши тушуниши ва шу тушуниш, англаш заминида ўзаро уйғунликка эришишлари.

Президент чиқишларида доим йўл ғояси қизил ип бўлиб ўтади. Бу Ўзбекистон учун янги тарихий ҳодиса бўлганидек, ўзбек халқи учун ҳам янги ҳодиса. Ўзбекистон ва унинг халқига шу даврда раҳбарлик қилаётган сиймолар учун ҳам янги ҳодиса. Чунки Ўзбекистон бундан тўрт йил муқаддам бутунлай янги давр, янги ҳаёт, янги ижтимоий муносабатлар ичига кирди.. Мустақиллик, янги ижтимоий тузум билан бирга мамлакат ва халқ янги цивилизацияга кириб бормоқда. Илгари халқимиз бошқа халқлар билан ҳамкорликда кўпдан-кўп давлатлар, салтанатлар қурган, тўра-тузуклар яратган, ўзини давлат қура оладиган, мамлакатни бошқара оладиган халқ, жамоа сифатида кўрсатган. Лекин у давлатлар, салтанатларнинг бари ўз ижобий томонлари, камчиликлари, ўрта асрчилик қонун-қоидалари, удум-урфлари, чекланганликлари билан тарих қаърларида қолди. Ўзбек халқи ҳозиргидек эркин бозор иқтисоди ва демократияга асосланган тузумни, ҳозиргидек илм-фан, техника тараққиётига асосланган жамият ҳаётини, ҳозиргидек жуда юксак даражада ривожланган улуғ давлатлар билан тенгма-тенг, манфаатлар тенглигига қурилган муомала-муносабатлар, алоқаларни илгари ҳеч қачон кўрмаган, бошидан ҳам кечирмаган эди. Биз бундай замонга, бундай равнақий ҳаётга бир асрдан ошиқроқ кечикиб кириб бормоқдамиз. Ўтган асрда, XX аср бошларида халқимиз ва гўзал Туркистон олдида шундай буюк имкониятлар очилган чоғларда жаҳонда буюк давлатларнинг мустамлакачилик сиёсатлари узоқ замонлар ғолиб чиқди ва ҳар бир халқнинг гуллаб-яшнашига хизмат қиладиган асос миллий ғояларни поймол этди. Биз бир асрдан кўпроқ вақт давомида ҳаётга бир давлат, бир халқ — шу давлат, шу халқнинг ҳукми, маданияти кўзи билан қараб келдик. Бир асрдан кўпроқ вақт йўлсизликда қолдик. Фақат бизга кўрсатилган, бошқа давлат, бошқа халқ манфаатларига мосланган биттагина йўлдан юришга мажбур бўлдик. Ҳар бир ўз йўлини солишга интилган, халқни дунёга олиб чиқишга бел боғлаган фидоий дарҳол маҳв этилди. Бизни йўлсизликнинг уқубатлари чулғади. Катта дегизнинг кўпиклари бошимизгача қоплади ва бизни бир асрдан нари-бери жаҳонда танимай қўйдилар. Ҳатто ибн Синолар, Беруниийлар, Фарғонийлар, Хоразмийлар бир пайтлар европалик олимлар талқинида халифалик ҳисобига ўтиб кетдилар.

Мана шунинг учун ҳам, мен мустақиллик замонини ўзбеклар учун, Ўзбекистон учун ва барча ён-атрофимиздаги жигардек халқлар учун ҳақиқий йўл замони дегим келади.

Кечаги сўзида Президент жуда содда ва ғоятда тушунарли қилиб «Йўл бу — эркинлик», деди. Содда гап фақат содда бўлгани учунгина қиммати оз бўлмагай. Аксинча. Қимматли фикрни содда қилиб айтиш бу комил ақл белгисидир.

Бир йўлга қараб, тўғрироғи, қарам бўлиб қолган мамлакат ва халқнинг қисмати ночор бўлади. Биз буни бошимиздан кечирдик. Бошқаларга биз бундай тангу тор йўлни ҳатто соғинмаймиз ҳам!

Лекин минг афсуслар бўлсинки, жанубда биз билан жони жонга, тани танга туташиб кетган, тарихини тарихимиздан ҳатто юлиб, кўчириб ажратиб бўлмайдиган афғон халқи мана неча ўн йиллардан буён ўзаро ўрта асрчилик низоларини бошдан кечиради. Шу ўрта асрчилик низолари туфайли турли чет ўлкаларнинг хуфя зулм ва бедодликларига ўз ҳаёти ва ўз жонини қурбон келтиради. Шу бош-кети кўринмас, турли баҳонайи сабаблар билан «безалган», «мустаҳкамланган» низолар боис ўз йўлидан эмас, хуфялар тиқиштирган тор-танг, оғир йўлдан боради. Қонли жанглар, хуфялар устомонликлари ўч юз йилдан бери халқнинг қудратини, ижодий кучларини зулукдек сўради. Шунча буюклик, матонат, жасорат, мардлик, қатъияти билан халқ ўрта асрчилик, қабилачилик ихтилофларининг асири бўлиб ўтиради. Афғон тарихи бу — хуфяларнинг машъум тарихидир. Эндиликда бу уч юз йиллик қонли йўллардан буткул воз кечиш даври келди. Йигирма биринчи асрга афғон халқи жам бўлиб, равнақининг этагини маҳкам тутиб, ва энг муҳими, ўз ўғил-қизларининг бир томчи ҳам муқаддас қонини тўкмасдан кириши керак. Бошқа йўл йўқ. Ким бошқа йўлни тутса, у жиноятчидир.

Президент Каримов жанубдан ўтар йўлларимиз ҳақида такрор-такрор ёзади, сўзлайди, халқаро сиёсат арбобларининг эътиборларини Ўрта Шарқнинг жуда чигал муаммоларига тортади. Жанубга томон бир нечалаб йўллар солиш ғояларини ўртага қўяди. Чунки йўл, дейди у, бу — эркинлик, бу цивилизация, бу —келажак наслларнинг мусаффо осмони.

Жануб йўллари! Ғарб йўллари! Шимол йўллари! Шарқ йўллари! Буларнинг бари бир биридан жозибали, бир биридан фойдали, бир биридан заруррақдир.

Йўли кўп халқ, йўли кўп мамлакат бой-бадавлат, ҳеч кимга қарам бўлмайдиган халқ, мамлакатдир.

Бизнинг тақдиримиз Ўрта Шарқ ва ундаги мамлакатлар, халқлар, маданиятлар тақдири билан чамбарчас боғланган. Ўрта Шарқ инсоният маданиятларининг нақ бешигидир. Ўрта Шарқ ўзаро турли бачкана, инсон шаънига иснод келтирадиган тор фикрлик, мутаассиблик зиддиятларидан қутуладиган замон етиб келяпти.

Ўрта Шарқда бугун инсониятнинг энг орзуланган жамияти ва маданий ҳаётини қуриш, яратиш учун барча асослар мавжуд.

Президент тарғиб қилаётган, давлат бошлиқларига даъват этаётган кенг маърифатли йўллар ҳам шуларни назарда тутади.

Буни бугун Покистон англаб турибди. Миср англаб турибди. Туркия англаб турибди. Буни эртага Эрон ҳам, Ироқ ҳам, Афғонистон ҳам тугал англаб етади!

Тараққиёт бора-бора бир буюк маҳражга келади: у инсонлар эмин-эркинлиги, ғуборсиз саодатдир.

Президент юз бора ҳақ: равнақнинг кафолати — йўллар солмоқ, халқларнинг тақдирларини йўллар билан зийнатламоқдир.

Йўллар — елкама-елка борувчи халқларнинг ободлигидир.

МУҲАРРИР

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

ОБУНА ДАВОМ ЭТЯПТИ

Бу сизнинг янги газетангиз, миллий ҳаёт, миллий тараққиёт, маданий, маърифий, маънавий гўзаллик, сиёсий баркамоликка интилиш газетаси!

ОБУНА НАРХИ

Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда

Якка тартибдаги обуначилар учун: нашр индекси — 64618

1 ойга — 22 сўм 15 тийин
3 ойга — 66 сўм 45 тийин
6 ойга — 132 сўм 90 тийин
12 ойга — 265 сўм 80 тийин

Ташкилотлар учун: нашр индекси — 64619

1 ойга — 26 сўм 50 тийин
3 ойга — 79 сўм 50 тийин
3 ойга — 159 сўм 00 тийин
12 ойга — 318 сўм 00 тийин

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Якка тартибдаги обуначилар учун уйга етказиб берилган ҳолларда:

1 ойга — 17 сўм
3 ойга — 51 сўм
6 ойга — 104 сўм
12 ойга — 204 сўм

Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент кутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

1 ойга — 14 сўм
3 ойга — 42 сўм
6 ойга — 84 сўм
12 ойга — 168 сўм

Ташкилотлар учун:

1 ойга — 32 сўм
3 ойга — 87 сўм
6 ойга — 165 сўм
12 ойга — 318 сўм

Ташкилотлар абонент кутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

1 ойга — 22 сўм
3 ойга — 66 сўм
6 ойга — 132 сўм
12 ойга — 264 сўм

Нашрларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар республика вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳрига қараганда бир мунча қимматроқ бўлганлиги туфайли (ҳаво йўллари, темир йўл ва автотранспорт харажатлари ҳисобига) пойтахт шаҳрида нашрларнинг обуна нархи алоҳида кўрсатилган.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ФИКРИМИЗ СОВИМАСИН

Шоир одатда туғма файласуф бўлади. Улкан шоир эса улкан файласуф. Шунга кўра улкан шоир қолдирган сатрлар ҳам улуғ фалсафий мазмунга эга бўлиб, ҳамма замонлар учун муҳимлиги билан ажралиб тураверади. У ёки бу замон ва шароитда бу мазмун ўзининг янги қирралари билан кишини лол қолдираверади. Шу маънода «Миллий тикланиш» газетамизнинг 26 сентябр куни чоп этилган «Олтиндан бўлса ҳам» сарлавҳали мақоласидаги сўнгги, аслида асосий фикрга эътибор берайлик: «Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам ҳур туғулгонсен». Чўлпоннинг мазкур насиҳатини сўнгги йиллар неча бор тинглаб, ўқиган бўлишимизга қарамай, аммо ундаги асл мазмунни тилга олинган мақола орқали энди тушунгандаймиз. Фикримизча, бу ерда буюк шоир ва файласуфнинг фикрий мақсади бундай кетма-кетликда: сен ҳам ҳур туғилгансан, шунинг учун ҳам кишан кийма, бўйин эгма. Яъни худо ё табиат ҳар бир инсонни озод яратади, кишан кийиш, бўйин эгиш эса унинг ўзида, яшаётган шарт-шароитида қолган. Шарт-шароит ва замонни эса асосан унинг ўзи яратади. Барча пировардида унинг ҳаракатида боғлиқ. Бу ҳаракатга ҳатто Яратганнинг ўзи ҳам аралаша олмайди. У фақат баракасини бериши мумкин. Демак, гап бир нимада қолган: аслиятдаги, асосдаги ҳурлик билан равнақдаги (ҳаётдаги) ҳурлик орасидаги фарқни ажратиб олиш.

Буни биз қуйидаги мисол орқали ёрқинроқ тасаввур қилишимиз мумкин. Мустақиллик қўлдан кетиб яна озодликка чиққунга қадар орадан юз йилу чорак асрдан ортиқ вақт ўтди. Шу вақт мобайнида озодлик нима эканини ҳам жисман, ҳам ақлан ҳис этга олган авлод ва ҳатто унинг бир неча пуштидан ҳам номнишон қолмади. Ватансизлик, эътиқодсизлик, қарамлик, қўркув, гумонсирашлик, бир сўз билан айтганда, қуллик шароитида туғилиб ўсган авлод эса озодликни қабул этди.

Ҳатто унинг бир қисми эса унинг учун онгли равишда курашди ҳам. Шак-шубҳасиз бунда уларнинг барчасини ўша аслиятдаги ҳурлик қудрати қувватлади. Эндиликда эса ҳамма нарса равнақдаги, яъни мустақиллик шароитидаги озодликдан нечоғлик фойдалана билиш ё билмасликка боғлиқ. «Олтиндан бўлса ҳам» мақоласи бу борада турмушимиз қандайлиги хусусида тегишли хулосалар бера олади деб ўйлаймиз.

Ушбу ёзаётганларимиз аслида мазкур мақолага акс сададан кўра кейинги пайтларда мамлакатимизда ижтимоий фикр борасида совиб боришликни, баъзида яққол кўзга ташланаётган орқага тисланишни баҳоли қудрат англаш натижасидаги юзага келган ўйлар ва ташвишлардир. Буни бошқалар ҳам сезиб турибди. «Мулоқот»нинг сўнгги сонларидан бирида Барот аканинг зиёлиларнинг бугунги кундаги тутган ўрни ҳақидаги таассуфли фикрларини эслайлик. Ҳақиқатан ҳам ижтимоий тафаккур жараёнида ҳамиша марказий ўрин тутиб келган зиёлилар орасида замонамизнинг энг муҳим масалаларига муносабатда хафсаласизлик, руҳсизлик (апатия) ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Истиқлол учун шахсий алоқадорлик ва масъулиятни елкага олишдан қочиляпти, чоғи. Ҳатто замонавий дарвишлик аломатлари сезилиб қоляпти. Бундай ҳолат биз учун, келажагимиз учун, ниҳоятда хавфли. Зеро, олдимизда турган катта-кичик вазифалар, ҳатто ўша буюк давлат барпо этиш ҳам ижтимоий тафаккур кучи билангина руёбга чиқиши аён. Бугунги кундаги потенциал имкониятларимиз (қазилма бойликлар, иқлимий шароит, геополитик жойлашув ва ҳоказолар) асрлар давомида мавжуд бўлиб келган. Албатта ўз замонасига яраша. Ана шу узоқ тарихий давр ичида юксакликка чиққан ё тубанлик, қарамликка чўккан замонларимиз бўлгани ҳам аниқ. Ана шу юксаклик ва тубанлик сабабини эса фақат ижтимоий тафаккур сифати билангина тушунтириш мумкин.

Давоми иккинчи бетда

АКС САДО

БОБОЛАРИМИЗ НОМИНИ УНУТМАЙЛИК

Газетанинг 6-сонидаги Бахтиёр Исабекнинг «Фамилиямиздаги «ов» русчами?» мақоласини ўқиб чиқдим. Муаллиф унда ҳозирги фамилиядаги -ов(-ев) қўшимчаси асли туркча бўлиб, «хонадон, оила» маъносини бериши ҳақида бир неча далиллар келтирган. Лекин бу-ҳозирги фамилиялар асли туркчадир, деган гап эмас. Зеро ота боболаримиз исм-шариф танлашда «хонадон, оила» сўзларини асос қилиб олишмаган. (Балки мақола муаллифи ҳам бундай фикрдан йироқдир. Ҳозирда айрим одамлар ўз фамилияларидаги-ов (-ев) қўшимчаси ўрнига «ий», «зода» қўшимчаларини қўйиб, уни туркийлаштиришмоқда. Лекин гап бунда эмас.

Гап шундаки, бизга -ов (-ев)ли фамилиялар орттириш ўз вақтида шу қадар осон бўлдики, бу борада шу даражада ялқовликка йўл қўйдикки, охир-оқибатда сал қолса ўз бобомиз исмини унутаёздик. Бу билан нима демоқчиман? Масалан, русларда Иванов, Петров, Сидоров, Фёдоров каби фамилиялар борки, улар ҳақиқатан ҳам Иван, Пётр, Сидор, Фёдор каби аждодлар исмидан ясалган. Аммо, яна шундай фамилиялар борки, улар ҳақида бундай фикрни айтиб бўлмайди, чунончи, Кошкин, Чернов, Лопатин, Кривошеев, Лапшин, Железяк, Самохвалов ва ҳоказо. Уларнинг қандай пайдо бўлгани ҳам қоронғу.

Европа халқларида, хусусан русларда битта фамилия ҳеч ўзгармай авлоддан авлодга ўтиб боради. Акс ҳолда ҳозирги пайтдаги рус фамилияларининг ҳаммаси инсонлар номидан келиб чиққан бўлурди, Иванов, Петров каби. Бунинг сабабини қандай изоҳлаш мумкин? Фикри ожизимча, бу ҳолнинг сабабларидан бири айримлар ўзларининг насл-насаблари йўқ бўлиб кетишини исташмайди, айниқса уларнинг фамилиялари келиб чиққан аждодлари аслзодалар, графлар, князлар, тадбиркорлар зотидан бўлса. Бундай таниқли фамилияли бўлиш билан фахрланишади.

Ҳамма гап шундаки, бугунги кунда ана шу анъана ўзбеклар орасида оддий ҳолга айланиб қолди. Ҳозирда ёши катта одамларнинг фамилиялари уларнинг оталари ёки боболари исмидан ясалган. Лекин кеча туғилган чақалоққа ҳам худди ўша фамилия берилмоқда, яъни бу чақалоқлар катта бўлишганида оталарининг исмини билишади, аммо боболарининг, боболарининг отаси исмини билишмайди. Улардан кейин келадиган авлодлар ҳолини эса ўзингиз тасаввур қилаверинг. Насл-насаб билан фахрланиш туйғусига келсак, бу туйғу ота-боболаримиз эътиқод қўйиб келган ислом динида қораланган.

Биз яшаб турган тупроқда қадимда инсоннинг исми шарифида етти пушти, яъни етти аждоди номи келтирилган. Бугунги кунда ҳеч ким бунга тақлид қилмаса керак. Ҳолбуки, ўз фарзандига қандай фамилия бериш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Лекин шундай бўлса ҳам айтмоқчи бўлган фикрим шундан иборатки, ҳар ким ўз фарзандига ўз отаси, яъни фарзанднинг бобоси номини фамилияга айлантириб берса, ва бу ҳол одатга айланиб, шу тарзда давом этаверса, айни муддао бўлурди. Бунда ота билан боланинг фамилияси икки хил бўлишининг зиёни йўқ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсон учун ўзи умрида кўрмаган аждодининг номини кўтариб юргандан кўра, ўзи кўрган, тарбиясини олган бобосининг номини билган маъқулроқдир.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ

БУГУН БЎЛМАСА — ЭРТАГА

Бир куни метрога тушаётиб, танишимни учратиб қолдим.

— Байрам мубарак бўлсин! — деди у ҳол-аҳвол сўрашдан олдин.

Мен сал... ҳайрон бўлиб қолдим. Чунки, бугун бирон бир байрам борлигидан бехабар эдим.

— Бугун Ўзбекистон Нигерия билан ўйнайди! — деди танишим.

Барибир, расмий байрамларнигина биладиган одамга айланиб қолганимдан хижолатда эдим.

— Марказий универмагга кетяпман, — деди суҳбатдошим. — Ўзбекистоннинг байроғини олмоқчиман.

Кўз олдимдан телевизор орқали курганим кўплаб халқаро ўйинлар ўтди. Уларнинг барчасида томошабинлар мамлакатлари байроқларини силкитиб ўз ўйинчиларини қуллаб-қувватлар, уларга далда берар эди. «Худога шукр!» — дедим қуксим фахрга тўлиб. Бу ҳам мустақилликни чин қалбдан идрок қила бошлаганимизнинг бир кўриниши эди...

Деярли ҳар куни қандайдир улкан, халқаро миқёсдаги тадбирлар бўлиб турган мамлакатимизда яқинда яна бир йирик воқеанинг гувоҳи бўлдик — футбол бўйича Афро-Осиё кубоги учун икки қитъа чемпионлари — Ўзбекистон ва Нигерия миллий терма командалари ўртасида ўйин ўтказилганидан хабардорсиз.

Нигерия миллий терма командаси 1959 йилдан буён ФИФА аъзоси, кўплаб халқаро мусобақаларда, жумладан жаҳон чемпионатларида ҳам иштирок этган, кўплаб ўйинчилари Европанинг етакчи клубларида тўп суради.

Ўзбекистон миллий терма командаси эса, республикамиз эришган мустақиллик туфайли вужудга келган, ФИФАга ҳам яқиндагина аъзо бўлган. Хуллас, Нигерия терма командаси билан тақ-қослайдиган бўлсак, алп паҳлавон қаршисидаги эндигина атак-чечак қилаётган бўлажак баҳодирга ўхшайди. Бироқ, «буладиган бола бошидан маълум», командамиз дастлабки қадамларинёқ жуда дадил ташлай бошлади. Кўпгина халқаро мусобақаларда узини муносиб тарзда намоён қилди ва ниҳоят 1994 йилги Осиё ўйинлари чемпиони унвонини қўлга киритди! Инсоф билан ўйлаб қарайдиган бўлсак, бу — ҳамманинг ҳам қўлидан келаверадиган иш эмас!

Бундан ташқари, бизнинг терма командамиз аъзолари ҳам анчадан бери ҳорижий мутахассисларнинг диққатини жалб этиб келади. Ҳозир уларнинг талайгинаси Ўзбекистондан ташқарида — бошқа клублар сафида муваффақиятли ўйин намойиш этмоқда. Мисол учун, Миржалол Қосимов Владикавказнинг «Спартак — Алания» командаси сафида бу йил Россия чемпиони бўлди, Азамат Абдураимов, Игор Шквирин ҳам хорижда ўз командаларининг муваффақияти учун курашмоқда.

... Хуллас, ўйин кутилганидек, байрамга айланди. Томошабинга тўла стадионда байроғимизнинг мухлислар қўлида тебраниб туриши, уларнинг «Яшасин, Ўзбекистон!» — деган олқишлари ва телевидениенинг ўйинни икки марта намойиш этиши — буларнинг барчаси байрам эди!

Ўйин натижаси эса...

Бу кунглимизни чўктирмасин, азизлар! Биринчидан, «тўп — юмалоқ» деган гап бор, иккинчидан, ўйинда юқорида айтилганидек, нигериялик футболчиларнинг тажрибаси катталиги-ю йигитларимизники эса, камлиги ҳам сезилди, учинчидан, «Ноумид — шайтон», ҳали олдинда яна бир ўйин бор, қоларса, бу ўйиннинг асосий натижаси ҳисобда эмас, унинг берган сабоғида, унда орттирилган тажрибада.

Шу ўринда мулоҳаза пайдо бўлди. Маълумки, аксарият терма командаларнинг ўйинчилари либосида шу мамлакат тимсолларидан бирининг қандайдир унсури бўлади. Республикамиз спорти мутассаддилари шу хусусда ўйлаб кўрса, барча спортчиларимиз либосида байроғимизнингми ёки гербимизнингми акси туширилган бўлса, нур устига нур бўларди.

... Телевизорда жиззахлик мактаб ўқувчиларининг Минск вилоятидаги тенгдошлари билан мусобақасини кўриб қолдим. Минскка меҳмон бўлиб борган ўқувчиларимиз олдин сал «ётсираб» турган бўлса-да, охир-оқибат мусобақада қолиб чиқишди. Бу — киши қалбини фахр ва улкан умидларга тўлдирадиган ҳол. Буларнинг ҳаммаси энг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» деб аталган, соғлом авлодни тарбиялаш ҳукумат дастурига айланган юрт фарзандлари бугун бўлмаса эртага албатта барча жабҳаларда зафар қозонишига тўла умид туғдиради.

М. ХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Фалсафий гурунг

ШАХС ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Мамлакатимиз — ягона оила деган ақида қарор топди. Жамоаларда, маҳалла-қўйда, оилада маънавий иқлим соғайганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бу янги даврнинг олижаноб хусусиятларидан биридир.

Бугунги кунимизга хос ёрқин хусусиятлардан яна бири миллатнинг ўзлигини англашидир. Ниҳоят, қайси заминда яшаётганимизни ҳис этиш, қандай гўзал ва қадимий юрт фарзанди эканимизни тугал англаш фурсати келди.

И. КАРИМОВ

Жўрақул Баҳронов 1952 йилда туғилган. Файласуф-олим. 1994 йилда «Зарафшон» нашриётида «Шахс Миллий ўзлигини англаш қонуниятлари» номли йирик монографияси чоп этилган. Миллий ўзликни англаш муаммоларига оид кўпгина мақолалари чиққан. Айни пайтда зироатчилик институтида доцент лавозимида ишлайди.

МУСТАҚИЛЛИК ТУЙҒУСИ

Фанда шахснинг «миллий руҳияти» ёхуд «миллий ўзликни англашининг руҳий жиҳатлари» изчил ўрганилмаган. Негаки, биринчидан, руҳиятшуносликда «миллий руҳият»нинг аниқ бир тизимга тушиш-тушмаслиги масаласида ҳозиргача иккиланиш мавжуд эди. «Миллий характер»ни пайқаб олишнинг мушкуллиги хусусидаги кенг тарқалган нуқтаи назар ҳам шу ақидага асосланган бўлиб, аксарият тадқиқотчилар уни четлаб ўтаверганлар. Иккинчидан, «капитализмда ҳар бир миллатда икки миллат ва ҳар бир миллий маданиятда икки хил маданият мавжуд» деган «башорат» ҳам олимларимиз қўлини «кишанлаб» қўйган эди. Бир сўз билан айтганда, яқин ўтмишда инсон руҳиятининг нозик қирралари, унинг бой ички оламининг намоён бўлиши қонуниятлари назар-писанд қилинмади. Ер юзида қанча миллат бўлса, бир-биридан қолишмайдиган ўшанча Ватан, ўшанча фахр, ўшанча миллий ғурур бор. Мустақиллик ҳам бир буюк туйғу. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро ва шахс мустақиллигимизни чуқур ҳис этиб, буюк келажагимизга ишонч руҳида бирлашиш зарур. Шундай пайтда, аввало фуқаролар руҳиятида, онг-тафаккурида ўзгариш ясаш керак. Акс ҳолда, миллий тикланиш, миллий тараққиёт ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, янги давлат, янги жамиятни барпо этиш қийинлашади. Демак, халқ онгини ҳаракатга келтирадиган миллий ғоя, мафкурага қараб интилмоғимиз керак. Бу миллий тараққиёт мафкураси бўлади.

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА МАФКУРА

Мафкура муайян миллат ижодий қатламларининг онгли фаолияти маҳсули сифатида амалий жараёнда таркиб топади. Шу жиҳатдан уни муайян тизимга тушган мақсадга қиёслаш мумкин. Мақсад эса, Президентимиз И. А. Каримов ибораси билан айтганда, «халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бир байроқ. Бу байроқ — бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир». Фуқаролар руҳида, онги ва тафаккурида ўзгариш қиладиган, руҳиятидаги ислоҳотни амалга оширадиган куч эса ғоядир.

Мафкура эҳтиёждан ва ҳаёт имкониятларидан узилиб қолса, у давлатга ҳам, жамиятга ҳам катта зарар келтириши мумкин. Мафкура тўғрисида жамиятнинг ўзи қайғуриши, ўз мафкураси учун ўзи тайёр бўлиши лозим.

Президентимиз И. А. Каримовнинг «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» китобида республикамиз тараққиёт йўлларининг сиёсий чизгиларига, мустақил тараққиёт мафкурасининг асосий белгилари ва йўналишларига жиддий аниқликлар киритилган эди.

Профессор М. Усмонов тўғри таъкидлаганидек, мафкуранинг номи мукаммал бўлиши учун унда асосий мақсад ва йўналиш тўла ифода этилиши, яъни мафкурамизнинг учта асосий белгиси тилга олиниши шарт. Булар — мустақиллик, миллийлик ва тараққиёт. Агар бу белгилардан бирортаси қисқартирилса, у ҳолда мафкурамиз моҳиятига хос бирон жиҳати эътибордан четда қолган бўлади. Бинобарин, агар мафкурамизни «Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт мафкураси» деб атасак, унинг моҳияти ва мазмуни тўлароқ ифодаланган бўлади. Демак, англашиладики, Ўзбекистон давлатига, жамиятимизга унинг манфаатларини ва келажагини ёрқин ифода этадиган, барча фуқароларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган, мукаммал илмий консепсияга эга бўлган миллий тараққиёт мафкураси зарур. Тарихий, илмий, маданий, адабий, исломий меросимизни умуминсоний, умуммиллий қадриятларга омухта этган, давр ва келажак талабларини ўзида мужассамлаштирган мафкуранигина «Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт мафкураси» деса бўлади. Уни бирон бир сиёсий партия ёхуд ҳаракатнинг дастури, Олий Мажлис тасдиқлаб берадиган асосий қонунга ўхшаш ҳужжат сифатида тушунмаслик даркор. Бундай ҳужжатларнинг ҳаммаси бизда мавжуд бўлиб келган, лекин ҳеч қачон миллий тараққиёт мафкурасининг ўрнини боса олган ёки вазифасини уддалай олган эмас. Бинобарин, миллий тараққиёт мафкурасининг ҳар бир бўлими, ҳар бир банди, ҳар бир жумласи, ҳар бир сўзи жамият аъзолари томонидан чуқур эътироф этилиши, қалбан қабул қилиниши, ундан четга чиқилган ҳолларда шахс ўз-ўзини кескин қоралайдиган ва жазолайдиган даражага кўтарилиши лозим.

Шунинг учун ҳам Республика Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли янги китобида алоҳида таъкидлайдики, «янги мафкуранинг асл маъноси, эскича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир».

Шундай қилиб, шахснинг миллий руҳиятини шакллантиришда мафкуранинг ўрни каттадир.

«МАЪНАВИЯТ ИНСОНГА ҲАВОДЕК, СУВДЕК ЗАРУР»

Шахс миллий ўзлигини англашининг ботиний қонуниятлари моҳиятини очишда маънавий омилларнинг ўрни ҳам катта.

Маънавият нима ўзи, деган саволга жавоб излар эканмиз, бу борада олимларнинг фикрида хилма-хиллик ҳукмрон эканлигини кўрамиз. Уларнинг бири маънавият—тарихий онг деса, иккинчиси уни кишиларнинг руҳий фаолияти, дейди. Учинчиси, маънавият, ахлоқ, нафосат ва назарий қадриятлар мажмуи деса, тўртинчиси уни ҳақиқат, қиммат ва гўзалликлар қиёми, дейди, Яна бошқаси, маънавиятни инсоннинг жамийки ахлоқий қадриятлари деб тушунса, бирови уни инсоннинг ҳис-туйғулари дунёси дейди. Профессор Ҳ. Пўлатов маънавиятга шундай қисқа таъриф берган эди: «Маънавият бепоён, чексиз борлиқнинг инсон руҳиятида ифодаланишидир. Маънавият жамиятда инсонийликни рўёбга чиқариш усулидир».

Мазкур таърифларни мантиқан давом эттириб исботлайдиган бўлсак, «маънавият инсонийликни рўёбга чиқариш усули», «Миллий маънавият — миллатни рўёбга чиқариш усули» деган хулосага келамиз.

«Мазмунан социалистик, шаклан миллий» деб улуғланган сунъий йўналиш амалда миллий маънавиятни бир қолипга солиш режасининг ниқоблари, холос.

Ўзбекистон ФА академиги М.М.Хайруллаев ёзганидек, бу йўриқ миллий масалалар ҳақидаги назарий тафаккурни, илмий тадқиқотларини сусайтирди, шу билан бирга у ҳаётимизнинг жадаллик билан байналмиллаллашуви тўғрисидаги нотўғри, ниҳоятда юзаки тасаввурни туғдирди. Бу ўз навбатида... миллий маданият хусусиятларига эътиборни сусайтириб юборди, уларнинг қисқариб, йўқолиб боришига йўл очди. Ҳолбуки, миллий шаклда яратилмаган, мустақил мазмунга эга бўлмаган, у ёки бу халқнинг характерини, унинг ички дунёсини очиб бера олмайдиган, шу миллатнинг интилиш ва истакларига хизмат қила билмайдиган маданият ҳеч қачон маънавий қудрат касб этмайди.

Ҳ.Пўлатовнинг «Маънавият инсонийликни рўёбга чиқариш усулидир» деган иборасидан келиб чиқадиган бўлсак, аввало, инсоний хислатлар намоён бўлишининг энг асосий воситаси ахлоқий фазилатлар эканлигини тан олмоғимиз лозим.

Маънавиятни, инсоний хислатларнинг мазмуни ва йўналишини тушуниш назарияси ҳамда амалиётида ҳам Ғарб ва Шарқдаги миллатлар вакиллари ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд. Шарқшунос академик С.Ф.Олденбургнинг фикрича, Ғарб моддий маданият борасида Шарққа нисбатан қай даражада улуғ ва буюк бўлса, маънавият борасида шу қадар тубан ва аянчлидир. Тадқиқотчилар ана шу тубанлик ва аянчлилик кўринишлари — ижтимоий устунлик ғоялари, ирқчилик ҳамда буюк миллатчилик сиёсатлари, мустабид тартиблари, мустамлакачилик тартиботи ва бошқа мудҳиш анъаналар Ғарб тараққиётининг мевалари эканлиги билан боғлайдилар. Уларнинг сабаблари ёхуд илдизлари эса ахлоқий тарбия анъаналаридан қидирилади ва бизнингча тўғри қилинади. Рус шарқшунос ва руҳиятшунос олимаси Е.П.Блаватскаянинг қайд этишича, ғарбча тарбия анъанаси замирида «дўстона мусобақа» ақидасига асосланувчи индивидуаллик ва шахсият фалсафаси ётади. Бу тарбия анъанасига кўра, бола ёшлигиданоқ ўзини тўла намоён этишга, ўртоқларидан олдинда бўлишига, барча соҳаларда улардан устун туришига чорланади. Болаликдан онгга сингдирилган бу мусобақа ҳамда кураш руҳи Ғарб кишиси кейинги ҳаёти ва фаолиятининг мақсад-мазмунини белгилаб беради. Шарқда тарбия анъанасининг асосида эса Е.П.Блаватскаянинг таъкидлашича, бирдамлик ва уйғунлик фалсафаси ётади.

НАЖОТ — МАЪРИФАТДА

Собиқ совет тузуми даврида республикамизда тарбия масканларининг жумладан мактабларнинг миллийлигини зўравонлик билан йўқотиш сари қадам қўйилган эди. Бу таълим-тарбия тизимидан ҳар бир миллатнинг ўзига хос турмуш тарзи, иқтисодий, маиший, маданий аҳволи, урф-одати, тарихи, анъанаси, ҳатто миллий табиати ўрин олмаганди. Педагог олим Ф. Мусаев эса собиқ ўқув юртларини қуйидагича баҳолайди: «...бу мактабларни ўзбек мактаби дейишга мутлақо тил айланмайди. Уларни ўзбек тилида ўқитиладиган ўрис мактаби дейиш тўғрироқ бўлади. Таълим-тарбиянинг бу қусури бошқа ижтимоий, иқтисодий, сиёсий сабаблари билан чирмашиб кетгани оқибатида маънавияту маърифатдан йироқ, ўз миллий қиёфасини унутган фарзандлар униб ўсдилар».

Ана шу сабабларнинг ҳаммаси жамланиб, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, бир сўз билан айтганда, миллий мактаб тармоғини вужудга келтириш вазифасини қўйди. Зеро, ўз келажагини қўлдан чиқаришни истамаган жамият ва миллат мактабни, мактабгача тарбия масканларини мустаҳкам ушламоғи керак. Чунки, миллий мактаб ҳар бир халқнинг инсоний баркамоллик ва умум башарий тараққиётига ўз маънавий қиёфасини сақлаган ҳолда бориши калитидир.

Миллий мактаб яратиш соҳасида мазмуннинг бирламчи, шаклнинг иккиламчи даражали эканлигидан келиб чиқиб, эндиги мактаб-маорифимиз ҳам шарқоналик, ҳам замонавийлик касб этишини таъминлашга қаратилган тақлифларни қўллаб-қувватлаймиз.

Шарқоналик деганда (мазмуний жиҳати), биринчидан, ҳамиша ва ҳар қандай ҳолатда инсоний қадр-қимматини юксак тутувчи, демакки, одоб-ахлоқ, жамият ва табиатга муносабат, яратувчилик, илм-маърифат бобида қатъиятли шахсни, иккинчидан, миллиятни чуқур англовчи, бинобарин, ўз халқининг тили, руҳи, характери, хусусиятлари, анъаналарига онгли равишда амал қилувчи, тарихий этник илдизларини пухта ўзлаштирган, миллатдошларининг ўтмиши, бугуни ва истиқболидан фахрлана олувчи инсонни шакллантириш кўзда тутилади. Шарқоналикнинг шаклий жиҳати хусусида эса шуни айтиш лозимки, у кўзланган мақсадга эришиш воситаси — давр ва тараққиёт масканларининг меъморий кўринишидир. Таълим хоналарининг жиҳозланиши ҳам, ўқувчилар уст-бошининг шакли ҳам, албатта миллий ёхуд шарқона бўлиши зарурлигини таъкидлайвериш билан иш битмас. Шарқона мазмундаги таълим-тарбия онг ва дунёқарашни белгилаб бергани сари келгуси авлодлар унинг шаклий жиҳати уйғунлигини теранроқ тушуниб олаверадилар.

Замонавийлик деганда эса (мазмуний жиҳати), биринчидан, она-Ватанга меҳр-муҳаббатини амалда унинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий, фан-техникавий тараққиётига ҳисса қўшиш орқали изҳор эта оладиган, унинг жаҳон халқлари ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлашга интиладиган, иккинчидан, бошқа мамлакатлар халқлари ўзга миллатлар эришган ютуқларга фақат ҳавас ёки нуқул ҳасад билан қарашга эмас, балки уларнинг ҳамма ижобий жиҳатларини ўзлаштиришга ўрганган шахсни шакллантириш кўзда тутилади. Аммо замонавийликнинг мазмуни шарқоналикка асло соя ташламаслиги, аксинча ундан озиқланиши зарур. Унинг шаклий жиҳати эса, шарқоналикнинг худди шу жиҳатига ўхшаб кетади: саудиялик арабларда мактаб биноси ташқи кўриниши ёки узун кийим-бош ўқувчининг копьютер билан ишлашни ўрганишига монелик қилмаганидек, туркларнинг бирмунча овруполашган уст-боши шарқона ахлоқ-одоб доирасида қолишига, миллий ўзлигини унутишига сабаб бўлолмайди.

Шу ўринда таълим-тарбия тизимини миллийлаштириш борасидаги баҳс-мунозараларнинг қатнашчилари четлаб ўтаётган бир муаммо хусусида тўхталишга тўғри келади. Назаримизда, кўпчилик Ўзбекистон мактаб-маориф тармоғини негадир фақат ўзбеклар (ёки бошқа мусулмон халқлар)га дахлдор деб тушунаётган ва ана шу асосда хулосаю ҳукмлар чиқараётганга ўхшайди. Амалда эса бундай эмас: Марказий Осиё мамлакатлари туб жой аҳолисининг қарийб 70 — 80 фоизи қишлоқ ва овулларда, атиги 20 — 30 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Демак, шаҳарларимиз аҳолисининг, жумладан, келгусида у ерда таълим-тарбия тизимига жалб этиладиганларнинг 60 — 70 фоизи овруполиклар (шартли равишда рус тилида сўзлашадиганлар)дир. Улар бизнинг миллий мактабимиз таълим-тарбиясини олишга мойиллик билдиришига умид боғлаш ноўрин, қолаверса, ҳукуматимиз сиёсати барча миллатлар тенг ҳуқуқлигини таъминлашни кўзда тутади. Шундай экан, шаҳарларимизда овруполча таълим-тарбия анъанаси давом этади ва бу ҳали болалар (ўсмирлар, ёшларимиз) оладиган миллий таълим-тарбия билан ҳамиша ҳам мос тушавермайди.

Бунинг сабаблари хусусида юқорида қисман фикр юритилиб, ғарбона ва шарқона таълим-тарбия анъаналарининг моҳияти ўртасидаги умумий фарқ кўрсатилиб ўтилганди. Яна ҳам чуқурлаштириб қуйидаги масалаларни тилга олиш мумкин. Маълумки, Овруполо халқларида тарбиянинг мезони нафосат (эстетика), шарқ халқларида эса асосан ахлоқ-одоб (этика) ҳисобланади. Тарбиянинг ҳамма жиҳатлари шу мезонлар асосида мақсадга йўналтирилади ва унга бўйсундирилади. Нафосат ва ахлоқ-одоб моҳиятан ўзаро боғлиқ бўлса-да, нафосат кўпроқ ташқи кўринишда ифодаланиб, ахлоқ-одоб эса кўпинча мулоқот фаолиятида намоён бўлади. Буни ҳамма ҳам илғайвермайди. Шу боис осонгина «кўз-кўз» бўлувчи Ғарб нафосати (эстетикаси) эътибору таҳсинга сазовор бўлиб, «парда ичидаги» ботиний инсоний одоб-ахлоқимиз етарлича қадрланмади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятнинг ва миллатнинг маънавиятга, маърифатга муносабати даражасини белгиловчи мезонлар мавжуд. Мазкур мезонларни чуқур ўзлаштирмаган назариётчи ҳам, муаллим ҳам, ижодкор ҳам миллий зиёли даражасига кўтарила олмайди ва шахс миллий ўзлигини англашини мустаҳкамлашга хизмат қила билмайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов уқтирганидек, «Биз учун маънавият, тарихий ва маънавий қадриятлар, аҳолининг маънавий-аҳлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устивор вазифа бўлиши лозим».

Миллий ўзлигимизни англашнинг ўсувида маданий-маърифий соҳалардаги ишларимизни кўриб чиқиш зарурати етди. Маданий муассасаларнинг совет даврида ҳақиқий дам олиш масканларига айлана олмаганлиги, маънавий ҳаётнинг ажралмас қисми даражасига кўтарилмаганлиги сир эмас. Шунинг учун ҳам клуб муассасалари ва истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа халқимизнинг ўзлигини англашига хизмат қиладиган муассасаларнинг фаолиятини барча чоралар билан активлаштириш ниҳоятда долзарб муаммодир. Тошкентдаги Ўзбекистон Миллий боғи, Андижондаги Бобур боғи, Самарқанддаги Амир Темур боғи сингари миллий боғларимизни кўпайтириш кун тартибидаги долзарб вазифалардандир.

Болалар боғчалари ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш фурсати етди. Руҳиятшунос алломаларимизнинг бола тарбиясига ёшлигиданоқ эътибор бериш лозимлиги ҳақидаги ўгитларга амал қилиш, болалар боғчаларини чинакам тарбия масканига айлантириш зарур. Энди бу ердаги ҳар бир жиҳозда, ҳатто қўғирчоқ ва ўйинчоқларимизда миллийлик — ўзлигимиз акс этиб туриши лозим. Бусиз фарзандларимизда миллий ўзлигини англаш тўйғусини пайдо этолмаймиз. Ватанни севиш, унинг табиатини, ҳар бир заррасини авайлаб асраш туйғусини шакллантира олмаймиз.

Бу борада айниқса зиёлиларнинг, олимларнинг, радио, телевидение, матбуот ходимларининг, ноширларнинг ва бошқа маънавиятни шакллантиришга дахлдор ҳар бир шахснинг фидойилигига, ватанпарварлигига катта умид боғлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, шахс миллий ўзлигини англашнинг қонуниятлари — руҳий ва маънавий-маърифий жиҳатлари — миллий онгимизда ўз аксини топади. Чунки миллий онг миллат манфаатларини ўзида ифодалаган маънавиятдир. Миллий онгнинг юксалиши руҳий-мафкуравий, маънавий-маърифий қадриятларимизни қанчалик эъзозлашимиз, авайлаб асраб, бойитиб келгуси авлодларга мерос сифатида қолдиришга интилишимиз билан ҳам белгиланади. Шахснинг руҳий, маънавий-маърифий жиҳатдан қай даражада миллий ўзлигини англаши миллий онгнинг ўсишига фаол таъсир кўрсатади.

Жўрақул БАҲРОНОВ



Кўҳна юрт жамоли

ФИКРИМИЗ СОВИМАСИН

Боши биринчи бетда

Ижтимоий тафаккур масаласи бугун энг муҳим масала. Зеро, худо хоҳласа, келаси йилдан бошлаб Ўзбекистон ўзининг юксалиш йилларини бошлайди. Албатта бундай хулоса муайян бир ҳисоб-китоб, мулжал натижасида қилинган. Яъни айтмоқчи, 1996 йилдан бошлаб ҳар бир фуқаро ўз шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришда илгаригига қараганда анча кенг шароитга эга бўлади. Бунинг учун эса у аввало ана шу шарт-шароитни тафаккури ила англай билиши керак. Йўқса, қанчалик замон яхшиланмасин, боқимандалик ва бировга қарамликка ўрганиб қолганлар учун ҳеч нарса ўзгармайди. Демак, аввало тафаккур ўзгармоғи, ўзгартирилмоғи лозим. Акс ҳолда бутун пушти йўқ бўлиб кетиши балосидан асраб қолган мустақиллик қадрини билмай, ундан нолиб юрганлар аҳволи қайтариларверади. Бу эса ўз ўрнида, юртбошимиз таъбири билан айтганда, «қуллик» давридан қутилишимизга гов бўлиб тураверади. Худди шу ерда бир савол туғилиши табиий: нима учун биз, мустақилликка тўрт йил тўлиб бешинчи йил бошланишига қарамай, ўша замонлар таъсиридан бутунлай йироқ бўлолмаяпмиз?

Бунга турли сабабларни кўрсатиш мумкин. «Олтиндан бўлса ҳам» мақоласида кўтарилган муаммо ана шулардан биридир. Яъни биз рамзчиликдан, «қуллик» давримизда кўзларимизга ўрнашиб қолган рамзлардан воз кечолганимиз йўқ. Доно халқимиз бекорга «меҳр кўзда» демаган. Бекорга араб лашкарбошиси Қутайба юртимизга бостириб кирганда энг аввало хат-саводни билганларни, яъни рамз манбааларини йўқотмаган. Бекорга большевиклар хатимизни ўрганиб, миллий, маданий мазҳабий қадриятларимиздан далолат бериб турадиган моддий ашёларни (меъморчилик обидалари, саройлар, масжиду мадрасалар ва ҳоказоларни) бузиб, хароб этмаган. Ё бўлмаса, 80-йилларнинг ўрталарида «десантчилар» ўзбек-кирилл алифбосидан миллий товуш-ҳарфларимиз Қ, Ғ, Ҳ, Ў ларни чиқариб ташлашга бекорга ҳаракат қилмаганлар. Буларнинг бари рамзий қашшоқликни сингдириш, ҳўкизни фақат қизил рангга ўргатиш, ундан бошқасига бўйин эгмаслик ва гарданини ханжарга тутиб бермасликка одатлантириш йўлида ниҳоятда чуқур ўйлаб қилинган тадбирлардир. Бугун эса, мустақиллик шароитида қутилиш ўрнига ҳам сақлаяпмиз, яна уларни қандайдир йўллар билан оқламоқчи ҳам бўламиз.

Энг муҳими рамзларга бўлган фуқаролар муносабати орқали уларнинг бугуни жараёнга нисбатан дунёқарашини билиб олиш мумкин. Биргина мисол. «Мустақиллик» метро бекатига кираверишда пештоқда: «Ленин партияси ва халқ иродаси билан Улуғ Октябрнинг 60 йиллик санасида бунёд этилди» зарҳал ёзувлари муҳрланган. Агар Ленин ва унинг партияси халқимиз тарихида тутган салбий ўрин инобатга олинса, мазкур сўзларнинг тўрт йил давомида сақланиб келиши биз учун ниҳоятда уят. Иккинчи томондан эса, кунига минглаб ва ўтган тўрт йил давомида юз минглаб фуқароларимизнинг ушбу бекатга тушиб чиққанлари ва шу сўзлар уларнинг пинагини ҳам бузмаганини ҳисобга олсак, бу ҳолат ачинарли. Хавфлилик даражаси шунчаларки, унга нафақат ўзимиз, балки бошқалар ҳам ўрганиб қолишади. Исбот учун биргина мисол. Яқинда ўзбекча матбуотда АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасига тегишли бир неча эълон босилди. Инглиз тилида. Одатдагидек сўнггида элчихона манзили берилган ва лотин имлосида шундай шаклда: «Чиланзарская ул.». Аслида «Чилонзор кўчаси» бўлиши кераклиги табиийдек туюлса-да, аммо америкаликлардан хафа ҳам бўлмаслик лозим. Чунки айб ўзимизда. Истиқлол берган имкониятлардан тўла фойдалана олмаяпмиз. Шу ўринда яна бир мавзу муҳим деб ўйлаймиз.

Истиқлол билан боғлиқ ютуқларимиздан бири бу миллий паспортнинг таъсис этилишидир. Худди шундай — миллий паспортни. Мақсадга кўра илгариги мавҳум совет паспорти ўрнига ҳақиқий, ўзимизнинг ҳужжатимизга эга бўлишимиз керак. Яқинда четга чиқиш муносабати билан янги паспорт олишимизга тўғри келди. Ҳужжатнинг полиграфик ва бадиий безаш томонлари фикримизча қониқарли. Биз илгариги, асл мазмунга зид «Зияев» ўрнига «Зиё» фамилиясини, «Ҳамидович» ўрнига эса «Ҳамид ўғли»ни паспортга ёздирмоқчи бўлдик. Бу билан ўз миллий қиёфамизни тиклаб, уни паспортда муҳрлаймоқчи эдик. Аммо бўлмади. Маълум бўлишича, бунинг учун камида уч ой югуриб, бир қатор маълумотномалар тўплаб, олинган маълумотномалар учун ҳар бирига йигирма беш сўмдан тўлаб, яна бир неча тадбирларни амалга ошириш керак экан. Паспорт бўлимида бир ўзбек аёлининг атиги бир ҳарфни ўзгартириш учун йил бошидан буён овора эканлигини эшитиб, ҳамда четга сафар яқинлигини ҳисобга олиб биз эскича ёзув битилган янги паспортни олишга мажбур бўлдик. Паспорт бўлимида шундай ҳолатдагиларнинг кўпчилигини кўрдик. Янги, миллий паспортларга «Абдираззак», «Саадат», «Ташметова», «Мавлюда», «Сраждинов» каби ўрислашган ўзбек номлари муҳрланаяпти.

Буларнинг бари худди шундай бўлиши керакдай содир бўлаяпти. Нега шундай? Бу ҳақда ҳар биримиз фикрламоғимиз зарур. Бир-биримизни шунга ундамоғимиз лозим. Фикрлашдан, ўзаро фикр алмашишдан тухтамайлик. Тафаккур қозонимиз совумасин.

Азамат ЗИЁ

ЎЗБЕКНИНГ ЎЗ ЙЎЛИ БОРМИ?

Жайдари мулоҳазалар

Аввало ўзбек деганн қанақа халқ ўзи? Унинг қавм-қариндош, яқин ҳамда узоқ халқлардан фарқи нимада? Бу халқнинг ютуғи нимада? Ўзига ўзи бек, ўзига ўзи ориятли, ғурурли халқ. Темурийлар сулоласи билан ўзбек атамаси орасида ихтилоф кўришни истаганларига нима дейсиз? Бу саволлар ўзбекнинг ўзидай ичимдагини топ, жумбоқли, сирли, сеҳрли...

Менга қолса, 130 йиллик истибдод, қарамлик, хўрликларнинг ўрнини тўлдириш учун, бугунги мустақиллик дамларида ўзбекман деганнинг ҳар бирининг томига биттадан Ватан туғи — байроғини тикиб, ҳилпиратиб қўярдим. Халқимнинг, миллатимнинг ҳар бир вакили бошига биттадан тож кийгизган бўлардим. Бу халқ шунчалик иззат-ҳурматга, эҳтиромга лойиқ. Юракдаги дардларни, дарзларни яна қандай чиқариб юбориш мумкин?

Дарвоқе, халқ ким, ўзбек ким? Менинг назаримда, халқ дегани — бор дегани, яратилган дегани бўлса керак. Ит бўл, қуш бўл, кўп бўл, дейди эскилар. Оломонни халқ деймиз. Жамоани халқ деймиз. Маърифатли, фозил, комил одамларни бир халқ тоифасига киритамиз.

Ҳукуматлар халқнинг номидан иш кўради. Партияю уюшмалар халқнинг ҳақини талаб қилади.

Ўзбекнинг заҳматкаш адиби Мусо Ойбекда содда бир гап бор. Халқ ўз ишини билиб қилади, дейди у одам. Хайриятки, шундай. Арболар балки адашар, даҳолар тўғри йўлдан чекинар, бироқ халқ адашмайди. Халқ ўзининг ақлига ўзи иш буюради. Ўз ишини ўзи билиб қилади. Бугун ким кўп — ўз миллати, халқи, қавмини кўкка кўтариб мақтайдиган, ўзгалардан устун қўядиган одам кўп. «Биз улуғмиз», «биз маданиятлимиз», «биз энг маърифатли халқмиз». «Боболаримиз бундоқ бўлишган, момоларимиз мундоғ бўлишган!»

Ватан, миллат, маънавият, қадрият, дину иймон атамалари эндигина фаол истеъмолга кира бошлади. Халққа ақл ўргатмоқчи бўлаётган, шу билан бирга ўз халқидан нолийдиган, унга паст назар билан қарайдиган, ўтказиб қўйгандек, гина-кудурат қиладиганлар ҳам пайдо бўляпти. Ундайларнинг фикрича, бугунги ҳукмат, ўзбек халқи буларнинг ўрнини билишмаяпти, қадрига етишмаяпти, хизматлари рағбатлантирилмаяпти, мукофотлар берилмаяпти!

Э, биродар, сен ўзгалардан истеъдодли, лаёқатинг устун, илму ижодинг, меҳнатинг самаралироқ бўлса — шунинг ўзи сенга мукофот эмасми? Имкондан ортиқ имкон бўлмайди, киши ўз бўйидан баланд сакрай олмайди. Ахир одам ўз онасидан ранжиши мумкинми? Ўз отасига домонгирлик қилиш ўзбекнинг одобига ярашадими?

Менинг ақлим етган ҳақиқат шуки, ўзбек халқи кейинги тарихий йилларда келажак авлодларининг бахтига уч асосий масалада янглишмади. Биринчиси, ўз тили ва қадриятларини тиклаш жараёнида босиқлик билан иш тутди, ўзга халқлар билан ихтилофга бормади. Аксинча, уларни ҳурматлашда давом этди. Ўзга халқлардан ўзини баланд қўймади. Насл-насаби кўрган, катта давлатчилик салтанатини бошдан кечирган халқ сифатида ҳеч кимдан айб қидирмади, калтабинлик билан ўч олишга интилмади.

Иккинчиси, ўз замонавий йўлини танлаш давлатчилигини қуришда ислом фундаментализмига берилиб кетмади. Нақшбанд бобомиз айтмоқчи, дилини Аллоҳдану қўлини меҳнатдан узмади. 70 йиллик истибдод даврида ҳам ундан кейинги рўшнолик йилларида ҳам динга нисбатан ўрта, инсоний йўл тутди: унутиб ҳам қўймади, берилиб ҳам кетмади. Ҳамма замонда ҳам боласининг қўлини ҳалоллади, қизига никоҳ ўқитди, марҳумни жаноза билан кўмди. Лекин ҳамма нарсани дин билан оғушта қилмоқчи бўлганларнинг орқасидан эргашмади. Ўз ишини билиб, ақлига иш буюриб яшади, ҳаёт кечирди...

Учинчиси, янги тузум, янги иқтисодий шароитда ғайрату шижоат билан ишга киришди. Меҳнатдан, заҳматдан қочмади. Деҳқон халқининг ризқи насибасини ундиришга, ишбилармону тижоратчи юртида мол-товарни сероб қилишга, зиёли маърифат, маънавият чироғини баланд кўтаришга киришди. Шукрки, бунинг самаралари ҳам кўзга кўрина бошлади.

Байналмилаллик ҳақида гап кетганда, кейинги йилларда ўзбекнинг номини дунёга таратган бир қатор машҳур сиймолари ҳаёт йўлига разм соламан. Санъатда донг қозонган Тамарахоним арман. Кино арбоби Комил Ёрматов тожик. Файласуф шоири Мақсуд Шайхзода — озарбойжон. Миллий қаҳрамони Зебо Ғаниева — турк. Адабиёт илмида моҳир олими Натан Маллаев, санъати серсоз Берта Довуд қизи, Исҳоқ Катаев — яҳудий, Чингиз Аҳмар — бошқирд, Ўрол Тансиқбоев — қозоқ. Булар миллатидан қатъи назар, ўзбек халқининг асил фарзандига айланиб кетганлар, ўзбек санъати уммонининг ғаввоси бўлиб етилганлар. Бу — халқнинг бағри кенглиги, меҳри дарёлиги, аҳилликка табиий интилишидан нишона. Бағри кенглик — унинг фазилати, яшовчанлиги. Айтайлик, Америка демократиясининг жаҳон афкор оммаси олдидаги обрў-эътибори нимада? Дунё халқларининг бу инсонпарвар юртга талпинишида, Американи энг инсоний, энг эркин мамлакат деб тушунганида. Фикр шулки, ўзбек ҳам камтарин бўлса-да, Ўзбекистон ҳам харитада камтарроқ кўринсада, катта халқ ва улуғ юртдир. Тарихда шундай бўлиб келган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши табиий ва мантиқан ўринлидир.

Ўзбек шундоқ халққи, ҳамма маънодаги меҳнатни ҳаётнинг, турмушнинг мазмуни деб билади. Айниқса бир қарич ери бўлса, ундан олтин ундиради. Қўни-қўшни, қавм-қариндош халқлар, ўзбек ҳеч қачон очидан ўлмайди, аксинча, «ўлган ўзбекнинг қўйнида нони бўлар» деган тагли мақол яратганлар. Ҳа, ўзбек омонатини топшириб, ёруғ дунё билан хайр-маъзур қилганидан кейин ҳам ризқи камаймайди.

Ўзбекнинг бугун, айни кунларда мафкураси қандай? У яқин ўтмишнинг пуфак, сохта ғояларидан сақлана олдими? Ўзбекни минг йиллар оша асраб келган, тўғри, ҳақ йўлдан оздирмаган қандай мафкура эди? Қандай тилсимли куч эди у?

Ўзбекнинг иймонини бутун қилиб, басаломат сақлаган кўп асрлик анъанавий дидактикаси, устивор ахлоқи, қон-қонига сингиб кетган урф-одатию удумлари. Маърифати-ю моддий-маънавий қадриятлари эди. Бугун ҳам, эртага ҳам уни айнан мана шу бойлиги — маънавий хазинаси сақлайди, тарбиялайди, яна кўп асрлар оша соғлом авлод эстафетасини олиб ўтаверади.

Бу ўринда ҳам тағин, Ойбек домла айтмоқчи, халқнинг ўзига, унинг содда, табиий, самимий даҳосига суянмоқ керак бўлади. Ҳеч ким хавотирланмасин, халқ янглишмайди. Керак сизи, ортиқчасини ҳар қанча тиқиштирилганда ҳам тушириб қолдиради. Тўғри, холис йўлни аниқ танлайди...

Маҳмуд САТТОРОВ

ЎЙЛАШ — ЖАРАЁН ДЕМАК

Дао таълимотининг отаси саналмиш Лао-Цзи эрамиздан аввалги VI асрда ёзиб қолдирган рисоласида: «Йўл танлаш имкониятидан ва йўл танлаш имкониятининг йўқлигидан Барқарор йўл тузилади», деб эътироф этган экан. Лао-Цзи сўзларининг (хитойча) яна бир таржимаси, тахминан, бундай: «Доимий қатнов йўли ҳам, қатновдан қолган йўл ҳам Йўлдир».

Кўриниб турибдики, файласуфлар бундан 2600 йил муқаддам ҳам Йўл тўғрисида жиддий бош қотирганлар, ҳозир ҳам кўпчилик шу тўғрида бош қотиряпти. Йигирма олти аср илгари кўтарилган масалага яна қайтиш кимга ва нимага керак?

Биринчидан, тафаккур — жараён демак. Яъни, тафаккур доимий ҳаракатда бўлади. Ҳаракатдаги нарсага эса, албатта, янгилик қўшилаверади; давр синовидан ўтолмаган унсурлар тушиб қолаверади. Демак, тафаккурда муттасил ўзгариш, янгиланиш рўй беради. Бу ҳол табиийдир.

Иккинчидан, Ўзбекистон — мустақил тараққиёт йўлини танлади. Энди инсоният тарихида тўпланган жамики маънавий бойликка Ўзбекистон манфаати нуқтаи назаридан қайта баҳо беришга эҳтиёж туғилди. Демак, ҳатто 2600 йил муқаддам кўтарилган масалага қайтиш биз фуқароларга ва Ўзбекистонга керак. Айниқса, ўзининг Барқарор йўлини танлаган ва бу йўлни мустаҳкамлашга жиддий ҳаракат қилаётган республикамиз учун тафаккурдаги ўзгариш ниҳоятда муҳим. Зеро, инсон онгига сингдирилган моддий кучга қиланади.

«ТАФАККУР» журналининг 2-сонини (1995 йил) синчиклаб мутолаа қилган муштарий, юқорида таъкидланганидек, пойдор фикр-мулоҳазаларга, тафаккур уммонига ғарқ бўлади. Журнални бир ўтиришда енгил-елпи ўқиб ташлайман деган муштарий, шубҳасиз, лоқайдлик уммонига ғарқ бўлиши турган гап. Шунинг учун шахсий тажрибамизга суянган ҳолда айтмоқчимизки, «Тафаккур»ни уч бўлиб, уч кун мутолаа қилиш керак.

Биринчи кун. Буюк оқинимиз Абай Қўнонбоевнинг «Насиҳатнома»си эзибички қилинади. Туркий халқларга не бўлган эди? Қаёқдан келяпмиз?.. Ва ҳоказо саволларга пешонамиз тақ этиб тегади.

Донишманд оқин дейдиким:

«Баъзилар худодан фарзанд сўрайди. Хўш, нима қилади фарзанд сўраб? Ўлсам, ўрнимни боссин, орқамдан Қуръон ўқисин, қариган чоғимда қунимга ярасин, деб фарзанд тилайди... Сен худодан унинг қанақа бўлишини билиб сўрадингми? Дунёда ўзинг кўрган хор-зорлигинг, ўзинг қилган итлигинг озмиди? Энди яна нимага фарзанд кўриб, уни ҳам расво қилишга, хор-зор этиб ташлаб қўйишга мунча хумор бўлмасанг?!» («Тафаккур», 2-сон, 64-бет).

Мустамлакачилик, мустабидлик остида эзилган барча жоҳил халқларнинг аҳволи оқин тасвирлагандек аянчли эди.

«Насиҳатнома»ни ўқиган муштарийнинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетиши табиий. Ўйлаши, мулоҳаза юритиши, демак, мустақилликнинг қадрига етиши ҳам тайинлидир.

«Насиҳатнома»ни жонкуяр адибимиз Носир Фозил ўзбекчага ўгирган.

Таниқли ёзувчимиз Хайриддин Султоннинг «Бобурийлардан бири» асари ҳам гўё «Насиҳатнома»ни тўлдиради, давом эттиради. Шўро ҳукм сурган кейинги етмиш йиллик «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари»да ахволимиз аъло эдими?.. Миллий маънавиятимиз фидойиларидан бири Зокиржон ака Машрабов тўғрисида дард билан ёзилган сатрлар гувоҳлигида нафақат қаҳрамонга бўлган буқаламун муносабат билан, балки буюк бобомиз Бобур мирзога бўлган ноқобил муносабат билан ҳам яқиндан танишамиз. «Насиҳатнома» туфайли пайдо бўлган таассурот «Бобурийлардан бири» мисолида аниқ қиёфа касб этади. Муаллиф ўз хотираларини қоғозга туширишда жараёнида бир неча тунни бедор ўтказгани каби биз — ўқувчининг ҳам битта туни бедор ўтади.

Ярим кечаси туриб, «шу кун ҳисобидан энг охирги марта» сигарет чекаётган пайтингиз, албатта, Саид Аҳмад домланинг «Умр лаҳзалари» билан танишиб қўйсангиз, кафолат беришимиз мумкинки, оппоқ тонгни лабингиздаги чўғ билан қарши оласиз»

Иккинчи кун. Ҳозирда АҚШнинг Индиана университетида дарс бераётган ватандошимиз Хайрулла Исматулланинг «Бир хол савдосидан бошланган тарих» номли қамровдор тадқиқоти билан танишмоқ лозим. Биз кечагина нима учун оқни қора, қорани оқ дердик? Фикр-мулоҳазалар қандай асосланиб, «илмий» жиҳатдан асослаб бериларди? Улуғ немис адиби, ҳақиқатан ҳам, «бошқа йўлдан бориши лозим» эдими? Тадқиқот муаллифи таклиф қилган йўлдан борса, дунё адабиёти гариблашиб қолмасмиди? Ёки, немис классик фалсафаси яна битта буюк файласуф (Гёте) ҳисобига бойиб қолармиди?.. Ва ҳоказо саволларга дуч келамиз. Бу тадқиқот ўқувчида жонли фикр уйғотади; баъзан мунозарага чорлайди. Охир-оқибат, ҳатто латифалар ҳам бизнинг тарихимизга қарши «ўқлаб» қўйилганини билиб оламиз. Айни пайтда И. В. Гётега қарши «ўқ» отишни истамаймиз. Зеро, адабиётда «шартлилик» деган мезон борлигини, тарихий шахс билан адабий қаҳрамон бир-биридан кескин фарқ қилишини биламиз. Қолаверса, ўзи истаган йўлни танлаш, ўзи истаган йўлдан бориш — ҳар бир истеъдодли ёзувчининг ўзига ҳавола. Лао-Цзи ибораси билан айтганда, «доимий қатнов йўли ҳам, қатновдан қолган йўл ҳам Йўлдир».

«Бир хол савдосидан бошланган тарих» севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг гўзал туркумида ижтимоий руҳ касб этади. Шоир ўзи танлаган халқчил йўлга содиқ қолиб, бу гал лирик қаҳрамонларини ижтимоий ҳаёт кўзгусида ранг-баранг жонлантиради.

Учинчи кун. Азамат Зиёнинг «Бир макон ичра юз очган жаҳон»ига бир оз тааммулданиб кириб борамиз. Дафъатан «макон» билан «жаҳон» ўриндошга ўхшайди. Бирининг ўрнини иккинчиси босиши мумкин. Сарлавҳасидан эътиборан фаол ўйлашга мажбур қиладиган бу мақола қуввати жиҳатидан мўъжаз тарихий фалсафа ёки фалсафий тарих тадқиқотига баробар. Айни чоғда замон — «тарихнинг бурилиш нуқтаси» кун тартибига қўйган долзарб масалалар тарих ва фалсафа илми билан узвий боғлиқ равишда тадқиқ этилади. Рости, шунчалар кенг қамровли ўзбек олимининг борлиги каминани беҳад қувонтириб юборди. Ишончимиз комилки, Азамат Зиёнинг тадқиқотини ҳазм қилолган муштарий туркий халқлар энди қаёққа қараб бораётганини ва нима учун шу йўл танланганини аниқ-равшан билиб оладилар. Ва «Туркистон — умумий уйимиз» ғояси ҳар бир ўқувчининг муқаддас орзусига айланади.

«Тафаккур»нинг 2-сонида яна бир талай қизиқарли мақолалар бор. Биз ўшаларнинг бир қисми тўғрисида ўзимизнинг шахсий мулоҳазаларимизни баён қилдик, холос. Ўйлаймизки, мутолаа жараёнида муштарийнинг ўзи биз билдирган фикр-мулоҳазалар нечоғлик тўғри ёки нотўғри экани борасида асосли хулоса чиқариб олади. Зотан, тафаккур — жараён демак. Тафаккур, ҳеч бўлмаса, мияни ҳаракатга келтиради; ўйлашга ўргатади.

«Тафаккур» масъулиятли вазифани теран ҳис қилиб, сидқидилдан адо этаётир.

Аммо, журналдаги ўқиш қийин бўлган жимжимадор ёзувлар ўқувчини чалғитади, холос... Булар тузатса ҳам, тузатмаса ҳам бўладиган камчиликлар, албатта. Яъни, таҳририят ихтиёрига ҳавола.

Набижон БОҚИЙ

Дидактик таълимот, яъни пандномалар Шарқ мумтоз адабиётининг кенг тарқалган туридир. Турли-туман ижтимоий-фалсафий, зоҳирий ва ботиний ҳодисалар ҳақида, инсон ҳаётининг моҳияти ҳақида, одамзот руҳининг сирли жилвалари хусусида теран, мураккаб, баъзан зиддиятли мушоҳадалар билан йўғрилган пандномалар Шарқ мамлактларида азалдан машҳур. Румийдан тортиб Сўфи Оллоёргача, Саъдийдан тортиб Авлонийгача бўлган юзлаб сўз саньаткорлари бу борада ноёб ҳаётий ҳикматларни иншо этиб, авлодларга мерос қилиб қолдирганлар.

Ижодий фаолиятини шеър-ўланлар тўқишдан бошлаган азамат оқин Абай умрининг сўнги йилларида айни шу жанрга мурожаат қилди. Шоир умр бўйи қозоқнинг қалбидай беғубор саҳроларни кезиб, маърифат ва руҳоний ёғдусини ахтарди. Нуроний ақл соҳиби бўлган донишманд Абай дунёда ҳалоллик, эзгулик, маънавият, самимият тантана қилишини мудом орзу қилди, бор иқтидорини шу олижаноб мақсад йўлида сарф этди.

Афсуски, Абай яшаган йиллар қозоқ миллати тарихининг «энг кир, қора саҳифаларидан бири» (Абдулла Қодирий таъбири) эди. Тинимсиз ички низолар, ноаҳиллик, манманлик туфайли қозоқ хонликлари емирилиб, халқ мустамлака чангалига тушиб қолди; зулм кучайди, қозоқ далаларидан файзу барака кўтарилди, ёлғон ақидалар, мунофиқлиқ, нодонлик, жаҳолат авж олди.

Эрксевар, жасур халқининг ўтмишидан, бутун туркий элатлар тарихининг шонли кечмишидан пухта хабардор бўлган мўйсафид Абайнинг мутаассир юраги бу таназзул, бу тушкунликдан қонга тўлди. Миллатдошлари, ватандошларини, жамики Туркистон аҳлини яқдил, баҳамжиҳат, шижоатли ва заковатли қиёфада кўрмоқлик ҳаётининг мазмуни бўлган шоир халқларамизни ғафлат уйқусидан уйғотишга, жоҳиллик ботқоғидан халос этишга бемисл жонбозликлар қилди.

Шу боис ҳам унинг насиҳатномаларида фавқулодда бир аччиқ оҳанг устунлик қилади. Дўст ачитиб гапиради деганларидек, нодонлик, бидъат, фикрий танбалликни кескин қоралайди, гоҳ киноя билан, гоҳ заҳархандалик билан замондошларини хушёрликка, тийракликка даъват этади.

Абай насиҳатномалари — ибрат китобидир. У одам қандай бўлиши кераклиги ҳақидагина эмас, балки қандай бўлмаслиги кераклиги хусусида ҳам дарс беради. Бу мўъжаз ҳаётий ҳикматлар, бамисоли аччиқ қалампир, жамият вужудини турли ижтимоий иллатлардан муҳофаза этишга бугунги кунда ҳам хизмат қилади.

Таҳририят

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Дунё адабиётининг энг сара намуналари мутолаасидан фикр равшан тортиб, кўнгил тиниқлашади. Маърифатли инсон учун бундан кўра мароқлироқ машғулот бўлмаса керак.

Журнал таҳририяти ҳали она тилимизга ўгирилмаган гўзал ва пурҳикмат бадиий асарларни чоп этиб боришни режалаштирган. Буюк француз адиби Ги де Мопассаннинг аслиятдан ўгирилган «Ўлиб тирилган» новелласи — бу йўлдаги дастлабки тажриба. Бу — ёзувчи таваллудининг 145 йиллигига журналнинг камтарин туҳфаси ҳамдир.

Ги де Мопассан

ЎЛИБ ТИРИЛГАН

Новелла

Дам олиш уйининг муҳташам емакхонаси кечки овқатга ошиқаётган ҳўрандалар билан аста-секин тўлмоқда эди. Курортлар ва дам олиш уйларида шундай бир эрмак бор, кечки овқат маҳали ҳамманинг кўзи кираверишдаги эшикни кузатиш билан банд бўлади: янги келганларга баҳо берилади, уларнинг кимлигию касб-кори нима экани тахмин қилинади.

Алқисса, ўша оқшом биз ҳам янги қиёфаларни кутмоқда эдик.

Кирганлар икки киши бўлиб, ғайриоддий қиёфали эркак — ота ва аёл — қиздан иборат эди. Уларни кўришим билан кўз олдимга Эдгар Понинг қаҳрамонлари келди. Эркак ниҳоятда новча, қадди бир оз эгик, сочлари ҳали ёш кўринадиган қиёфасига ярашмаган даражада оппоқ эди. Унинг йигирма икки-йигирма бешларга бориб қолган қизи ҳам ўта қотма, лекин паст бўйли, чеҳраси ҳорғин ва синиққан эди. Қизнинг рангпар юзида гўзаллик асарлари кўзга ташланарди. Унинг бу ерга даволаниш учун келганига ҳеч бир шубҳа йўқ эди.

Ота-бола менинг қаршимдан жой олдилар.

Стол атрофида ўтирар эканмиз, эркакнинг қандайдир ғайритабиий, асабий ҳаракатлари диққатимни тортди. Ҳар гал бирор нимани олишдан аввал унинг қўли ҳавода ғалати доиралар чизарди. Бу ҳол бир неча бор қайтарилгач, мен зада бўлгандек, кўзимни олиб қочдим.

Жувоннинг овқат пайтида чап қўлидаги қўлқопни ечмагани ҳам эътиборимни жалб этди.

Овқатдан сўнг хиёбонда сайр қила бошладим. Ўша оқшом ҳаво ниҳоятда дим эди. Мен салқин хиёбоннинг у бошидан-бу бошига бориб келмоқда эдим. Ногаҳон, бояги ота-боланинг қаршимдан аста юриб келаётганларини кўрдим. Йўлларимиз тўқнашгач, дам олиш уйларидаги таомилга кўра, улар билан қайта саломлашдим.

— Авф этасиз, тақсир, — деди саломимга алик олиш учун тўхтаган ота. — Малол келмаса шу атрофдаги сайр қилиш учун қулайроқ, хушманзара ерни кўрсатиб юборсангиз...

Уларни ўртасидан кичик бир ирмоқ оқадиган водийга таклиф қилдим.

Кетаётиб, турган гапки, курортларнинг фойдаси ҳақида сўзлашиб бордик.

— Асти қўяверасиз, — деди у. — Қизгинамнинг ғалати касали бор. Бир қарасангиз, ўзўзидан асабийлаша бошлайди. Бир қарасангиз, юраги санчийди ёки жигаридан шикоят қилади. Бугун, масалан, ошқозоним оғрияпти, деб нолияпти... Шунинг учун бу ерларга келиб қолдик. Фикримча, ҳаммаси асабдан бўлса керак. Ҳар ҳолда бу нарса мени жуда изтиробга солади.

Эркакнинг асабий хатти-ҳаракатларини эсладим.

— Балки бу ҳол ирсий дарднинг асоратидир? Асабларингиз жойида эканлигига ишончингиз комилми?

У хотиржам жавоб берди:

— Мени айтяпсизми?.. Йўқ-э... асабларим доимо мустаҳкам бўлган. — Кейин сўзида давом этди: — Ҳа-я! Сиз бирор нарсага қўл чўзганда бармоқларим асабий қалтирашига ишора қиляпсиз, чоғи? Бу ҳол жуда оғир кўргиликни бошимдан ўтказганимдан кейин пайдо бўлган. Қизгинамни тириклайин ерга кўмиб қўйганимни тасаввур қила оласизми?

« Наҳотки!» дея олдим ҳайратга тушиб.

—Қулоқ солинг, — деди ҳамроҳим. — Воқеа бундай бўлган...

Кейинги вақтларда Жюлеттанинг юраги тез-тез безовта қиладиган бўлиб қолган эди. Умидимни деярли узиб қўйган эдим. Кунларнинг бирида уни бадани совиган, жонсиз аҳволда кўтариб келдилар. Қизгинам боғда сайр қила туриб йиқилиб тушган экан. Шифокор ўлим ҳолатини қайд қилди. Тобутни Лотарингия қишлоқларидан биридаги қабристонга элтиб, оилавий хилхонамизга қўйдик.

Қизимга атаб тиктирилган никоҳ кўйлагида, ўзим унга совға қилган билагузуклар, маржонлар ва узукларини тақиб тобутга солган эдик. Қабристондан қайтгандан кейинги аҳволимни тасаввур қилиш қийин эмасдир. Ахир, қизалоғимдан бошқа ҳеч кимим йўқ эди. Хотинимнинг вафот этганига кўп бўлган. Шундай қилиб, ярим телба аҳволда, ёлғиз юриб уйга қайтдим. Нафақат бирон бир ҳаракат қилишга, ҳатто фикрлашга ҳам ҳолим келмай ўзимни ўриндиққа ташладим.

Жюлеттани кийинтиришда менга кўмаклашган, анча ёшга бориб қолган хизматкорим Проспер оёқ учида ҳузуримга кирди ва:

— Хўжайиннинг кўнгиллари бирор нимани тусайдими? — деб сўради.

Бош чайқаб «йўқ» деган бўлдим.

Проспер чиқиб кетди.

Қанча вақт ўтганини билмайман. Хона совиб кетган, каминдаги ўт ўчиб бўлган, деразага совуқ шамол ҳамла қилмоқда, мени эса аллақандай қўрқув қамрай бошлаган эди.

Яна талай фурсат ўтди. Кўзларим ҳамон очиқ, аъзои баданим мадорсиз, руҳим сўник эди. Тўсатдан кўча эшикнинг қўнғироғи чалинди. Ўгирилиб соатга қарадим. Соат миллари тунги иккини кўрсатиб турарди. Бемаҳалда ким келган бўлиши мумкин? Қўнғироқ яна икки марта чалинди. Чамаси, эшикни очишга хизматкорларнинг юраги бетламади. Ёниб турган шамни қўлимга олиб, пастга тушдим.

Шаҳд билан эшикни очган эдим, кўзим қоронғиликда арвоҳга ўхшаб турган оқ шарпага тушди.

—Ким у? Сиз... ким бўласиз? — дедим тутилиб.

«Менман, ота», деган овоз келди.

Ақлдан оздим шекилли, деб ўйладим ва қўлим ҳали сиз кўргандек асабий қалтираб кетди. Ушандан бери бу қилиқ мени тарк этмайди.

— Қўрқманг, ота, — деди шарпа. — Мен ўлмаган эканман. Қўлимдаги узукларни олиш мақсадида ўғрилар бармоғимни кесишибди, қон оқа бошлаб, ҳушим ўзига қайтибди.

У чиндан ҳам бошдан-оёқ қонга беланиб турарди.

Эс-ҳушимни бир оз йиғиб олгач, ишонибишонмай қизимни хонамга олиб кириб, ўриндиққа ўтқаздим. Ўчоққа қайта ўт ёқиш, чой дамлаш ва табиб чақириб келиш каби юмушларни буюриш учун қўнғироқ чалиб,Проспернi чақирдим.

Эшикдан кирган Проспер қизимни кўриб, ҳайратдан донг қотиб қолди ва чалқанчасига ағдарилиб, шу заҳотиёқ жон берди.

Хилхонага кирган, тобутни очиб, қизимни жароҳатлаган кимса Проспер бўлиб чиқди. Ишончимни бутқул қозонганига амин бўлиб, ҳеч ким шубҳа қилмайди, деб ўйлаган чоғи...

Ҳамроҳим сўзини тугатиб, жим қолди.

Сокин ва кимсасиз водийга қоронғи туша бошлаган эди. Бу ғайриоддий кимсалар — бир ўлиб тирилган қиз ва хатти ҳаракатлари ғалати асабий ота билан ёнма-ён турарканман, хавотирга ўхшаш аллақандай туйғуни ҳис қилдим.

«Қандай даҳшат!» дея олдим, холос.

Шундан кейин биз орқага қайтдик.

Француз тилидан

Шоазим МИНАВВАРОВ таржимаси

«ТАФАККУР» журнали меҳмонимиз

Абай

НАСИҲАТНОМА

Муқаддима

Ёшим шу ерга етгунча яхши яшадимми, ёмон яшадимми, ҳар қалай, яшаб келдим, умримнинг кўпи кетиб, ози қолди, бошимдан не-не савдолар кечмади: олишдим, юлишдим, айтишдим, тортишдим — хуллас, бошга тушганини тортиб келдим. Мана, энди ёшим қайтиб қаридим, ҳоридим, қилиб юрган кўп ишларимда маъно йўқлигини, ҳаммаси шунчаки бир гап эканини кўрдим, билдим. Хўш, энди қолган умримни қандай қилиб ўтказсам экан? Мана шунисига ўзим ҳам ҳайронман.

Элу юртга раҳбарлик қилсаммикан? Йўқ, эл мен кўрсатган йўлдан юрмайди. Агар, бошимга ташвиш сотиб оламан, деган киши ёки ҳали пешонаси деворга бориб тегмаган, белида қуввати, кўкрагида ғайрати бор ёшлар раҳбар бўламан демаса, бизнинг элга раҳбарлик қилишимиздан худонинг ўзи сақласин! Мол боқсаммикан? Йўқ, боқолмайман! Керак бўлса, бола-чақа ўзи боқиб олар. Қариган чоғимда ўғрилар, муттаҳамлар учун мол боқиб, кўпи кетиб, ози қолган умримни хор қилиш ниятим йўқ! Ё илм-фан билан шуғулланса-миканмикан? Йўқ, ундай десам, бу элда илмнинг қадрига етадиган, уни тушунадиган одам йўқ. Билганингни кимга ўргатасан? Билмаганингни кимдан сўрайсан? Кимсасиз чўлу биёбонда олдига матосини ёйиб, қўлига газини ушлаб ўтирган кишидан нима фойда? Ёнингда ҳаспратлашиб, кўнгил ёзадиган киши бўлмагач, илму фан кишини тез қаритадиган бир ташвиш экан, холос.

Суфилик қилиб, дин йўлига тушсаммикан? Йўқ, бу ҳам бўлмайди! Чунки ундай қилиш учун ҳам тинчлик керак. На кўнглингда, на ҳаётингда осойишталик бўлмагандан кейин, бундай элда, бундай жойда суфиликка бало борми?

Ёки бола-чақаларимнинг тарбиясига киришсаммикан? Йўқ, бу ҳам тўғри келмайди. Бу ишга жон деб киришар эдим-у, лекин қандай тарбия қилишни ҳам билмайман-да, ахир! Хўш, тарбиялаганда ким бўлсин деб тарбиялайман? Қайси элга қўшайин, қайси томонга йўллайин? Борди-ю, тарбия қилганимда ҳам, бола бечоралар илмининг самарасини тинчлик билан кўра оладими? Кўра олса, қаерда, қандай қилиб? Бунга ҳатто ўзимнинг ҳам ақлим етмайди-ю, уларга нима қил деб, қаерга бор деб илм ўргатаман? Буни ҳам эрмак қила олмадим.

Охири шундай қарорга келдим: хаёлимга келган нарсаларни оқ қоғозга ёзаверайин, оқ қоғоз билан қора сиёҳни эрмак қилайин. Кимда-ким бундан ўзига керакли сўз топса, ёзиб олсин ё ўқисин, кераги йўқ деса, ўз сўзим ўзимники, дедим-да, ниҳоят, ёзишга ўтирдим. Энди бундан буён шундан бошқа ишим йўқ.

***

Фаросатли одам кулги деган нарсанинг мастлик эканини, ҳар қандай маст киши гофил бўлишини ва бошогриқ гапларни кўп гапиришини яхши билади. Зотан, бекордан-бекорга кулаверадиган кишининг ё ақли жойида бўлмайди, ё эса куламан деб ишидан, рўзгоридан, номусидан айрилганини ўзи ҳам билмай қолади. Бундай кишилар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам охири бир азоб чекиши бор.

Қайғу-ҳасрат нималагини биладиган, фикр қила оладиган киши бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ортиқ қийналмайди — иши пишиқ бўлади. Одатда, пишиқликнинг таги — мўлчилик. Хўш, энди, агар шундай бўлса, биз доимо қайғу ҳасратга ёр бўлиб юра оламизми? Доимо қайғу-ҳасратга ёр бўлиб юришга жонимиз тўзим бера оларми экан? Ёки, дейлик, биз муттасил кулмай юра оламизми? Инсон бир умр кулмай юришга чидай олармикан? Йўқ, мен доимо қайғу-ҳасрат билан юриш керак, демайман. Аммо ҳеч қайғу-ҳасрат чекмаслик ҳам мумкин эмас. Демак, кўпроқ ана шу қайғу-ҳасратдан қутулиш учун ҳаракат қилиш керак. Ҳаракат қилганда ҳам билиб ҳаракат қилиш керак. Чунки ҳар қандай ўринли ҳаракат қайғу-ҳасратни камайтиради. Шундай қилиб, қайғуни ўринсиз кулги билан эмас, ўринли ҳаракат билан камайтириш зарур!

Қайғу-ҳасрат уйига кириб қолиб, ундан чиқолмай юришнинг ўзи ҳам бир ҳалокатдир. Сен бировнинг ёмон қилиғидан кулсанг, роҳатланиб кулма, ачиниб, изза бўлиб кул. Зотан, ачиниб, изза бўлиб кулишнинг ўзи — қайғу-ҳасратдир. Демак, бундай ўринда ўзинг ҳам доимо кулавермайсан, албатта. Борди-ю, яхши одамнинг яхши қилиғидан кулсанг, унинг шу яхши қилиқни яхшиликдангина топганини ўзингга ибрат қилиб кул. Яхши-ёмонни кўриб ибрат олмоқ ҳаётда сени йўлдан озишдан эҳтиёт қилади. Мен ҳамма кулгилар тўғрисида гапириб ўтирмайман. Аммо шу кулгиларнинг ичида бир кулги борки, бундан худонинг ўзи асрасин! Бу кулги худонинг ўзи яратган жойдан — юракдан чиқмай, балки аксинча, мутлақо сохта бўлиб, хўжакўрсин бир кулги бўлади.

Одам боласи туғилишда йиғлаб туғилади-ю, ўлаётганида норози бўлиб ўлади. Шу икки ўртада дунёнинг у-бу роҳатларини татиб кўролмай, бирининг кетига бири тушиб, бирига бири мақтаниб, не-не эсиз умрини қаёқдаги бўлмағур ишларга сарф қилиб, маъносиз ўтказади-да, ўлим олдида адо бўлган олтин умрининг ҳатто бир кунини ҳам бутун бисотини, молдунёсини сотиб қайтариб олишнинг иложини топа олмай қолади.

Қувлик ва шумлик билан кун кўриш, кўз сузиб тиланчилик қилиш — ҳунарсиз итнинг ишидир. Сен агар одам бўлишни истасанг, аввало, ғайратингга таяниб меҳнат қил, меҳнат қилсанг, қора ер ҳам сендан ўз ноз-неъматини аямайди ва шунда ҳеч қачон хор-зор бўлмайсан.

* * *

Бола икки хил одат билан туғилади. Бири — есам, ичсам, ухласам демоқликдир. Булар таннинг сиҳатлиги учун зарурдир. Булар бўлмаса, танда жон ҳам бўлмайди, бола ўсмайди ҳам, қувватга ҳам кирмайди. Иккинчиси — кўрсам, билсам демоқликдир. Бола нимани кўрса, шунга талпинади, ялт-юлт этиб қарайди, кўрган нарсасини қўли билан ушлаб, юз-кўзига суйкагиси, оғзига солиб тишлагиси келади. Карнай-сурнай овозини эшитса, ён-атрофига аланглаб қарайдиган бўлади. Сал каттароқ бўлганидан кейин эса, ит ҳурса ҳам, қўй маъраса ҳам, биров кулса ҳам, йиғласа ҳам югуриб чиқиб қарайдиган ва «У нима?», «Бу нима?», «У нега ундай қилди?», «Бу нега бундай қилди?» деб, кўрган-эшитган нарсаларини сўрайдиган бўлади. Жавоб олмагунича ҳеч тин топмайди. Буларнинг ҳаммаси — кўрсам экан, билсам экан, ўргансам экан деган табиий қизиқиш аломатидир, албатта.

Дунёдаги барча ҳодисаларнинг сирини юзакироқ бўлса ҳам билмаслик — одамгарчиликдан эмас. Шуни ҳам билмаган одам — одам эмас, ҳайвондан ҳеч фарқи йўқдир...

Болалик кезимиздаги кучимиз, қувватимиз, ақлимиз етмаган ҳар нарсани «Бу нима?», «У нима?» деб сўраб юрган ва шу туфайли ҳатто овқат ейишни ҳам эсимиздан чиқариб юборадиган одатларимиз, қизиқишларимизни нега энди улғайиб, ақлимиз киргандан кейин йўқотиб қўйдик? Нега энди биз ўша болалик пайтимиздаги қизиқувчанлигимизни улғайиб, ақлимиз киргандан кейин илм йўлида ишлатмаймиз? Ахир, шундай қилсак, дунёқарашимиз кенгайиб, илм бизга жон озиғи бўларди.

Тандан ҳам ақл ортиқ. Биз танни ана шу ақлга бўйсундиришимиз керак эди. Йўқ, биз бундай қилмадик, бундай қилиш у ёкда турсин, ҳатто ҳар қайсимиз овулимиз атрофидаги машмашалардан нарироқ кета олмадик. Ақл идроқ бизни ёш кезимизда ўзига тобе қилиб юрган экан, ёшимиз улғайиб, танимиз кучга тўлганидан сўнг биз ақл кўрсатган йўлдан юрмадик. Ақлни танга қарам қилиб қўйдик, ҳеч нарсага кўнгил бермадик, кўз билан кўрмадик, кўнгил айтиб турса ҳам унга ишонмадик. Кўз билан кўрган нарсаларимизнинг юзасинигина кўриб, ичида нима бор, нима йўқлигига қизиқмадик, уни билмаган кишининг бир нарсаси камайиб қолармиди, дедик. Биров бизга ақл ўргатса, «Ўз билганинг — ўзингга, ўз билганим — ўзимга», «Киши ақли билан бой бўлгунча, ўз ақлинг билан ёрли бўл», деб нақл сўқидик. «Бо худо, ким кимдан ортиқ экан?» деймиз-у, ортиқ эканини билмаймиз, билганлар айтса, ишонмаймиз.

Қалбимизда шуъла, кўнглимизда ишонч йўқ. Фақат кўзимиз билан кўрамиз-у, қаноат ҳосил қиламиз. Хўш, бизнинг ҳайвондан нима фарқимиз бор? Қайтанга, ёш пайтимизда яхши эканмиз, ҳар қалай, тушунсак-тушунмасак, билсам эди, кўрсам эди, деб қизиққанмиз. Энди шу кунларда ҳайвондан ҳам ёмонмиз. Ҳайвон ўзи ҳеч нарсани билмайди, билишга қизиқмайди ҳам. Энди биз-чи? Ўзимиз ҳеч нарсани билмаймиз-у, лекин, кези келганда, бизлар ҳам биламиз, деб нодонлигимизни билимдонликка йўйиб, ўлган-тирилганимизга қарамай, қизариб-бўзариб, бўйин томирларимизни бўрттириб талашамиз.

* * *

Агар болам орқамдан Қуръон ўқисин дейдиган бўлсанг, тириклигингда одамларга яхшилик қилган бўлсанг, ким сенга бағишлаб Қуръон ўқимайди дейсан? Борди-ю, бу дунёда ёмонликни кўп қилган бўлсанг, боланг ўқиган Қуръон у дунёда сенинг жонингни асраб қолармиди? Тириклигингда ўзинг учун қилмаган ишни ўлганингдан кейин боланг қила олармиди?

Агар қариган чоғимда кунимга ярасин десанг — бу ҳам шунчаки бир гап. Лекин аввало, ўзинг қаригунча яшайсанми, йўқми — бу ёғи ҳам бор. Иккинчидан, худодан тилаб олган фарзандинг сенга меҳрибон, меросхўр бўлиб туғиладими, йўқми — бунисини ҳам ўйла. Учинчидан, молинг бўлса, сени ким асрамайди? Агар молинг йўқ бўлса, сени қандай рози қилиб асраши мумкин? Тилаб олган фарзандинг ҳам сенга молтопар бўлиб туғиладими ё молсочар бўлиб туғиладими — бунисини номаълум, албатта. Хўш, ана, Оллоҳ таоло сенга фарзанд ҳам берди, дейлик. Сен уни ўзинг тарбия қила оласанми? Қилолмайсан. Ўзинг гуноҳ қилгатасан. Мактабга берганингда ҳам мулланинг энг арзонини қидириб топиб, хат таниса, қув, шум бўлса бўлди-да, деб берасан. «Эҳтиёт бўл, фалончининг боласи сени орқангдан сотиб кетади», деб яна унинг қулоғини бурайсан, инсонга бўлган ишончни йўқотиб тарбиялайсан. Шуми, берган таълиминг? Яна шу болангдан қандай қилиб хайр-эҳсон кутасан?

Кейин мол тилайсизлар. Хўш, нима қиласизлар шунча молни худодан тилаб? Худонинг берганини олмайсизлар. Худо сизга меҳнат қилиб мол топгудек куч-қувват ато қилди. Бироқ, нега энди шу куч-қувватни адолат учун сарф қилмаймиз? Бу куч-қувватни ўрнини топиб сарф қилсин деб илм берди, буни ҳам ўқимаймиз. Ўқисак-ўргансак — уқадиган, тушунадиган ақл-фаросат берди, ким билсин, буни қаёққа йўқотганимизни?.. Эринмай меҳнат қилса, ҳормай-толмай изланса, топган-тутганини тадбир билан харж этса — ким бой бўлмайди дейсиз? Биз буларни ўйламаймиз. Бор билганимиз: бировдан қўрқитиб олсак, бировдан ялиниб олсак, бировдан алдаб олсак, — мана, бизнинг муддаомиз!

Бу — худодан сўраш эмас. Бу — обрўсини, орини сотиб, тиланчилик, талончилик қилиш демакдир. Майли, шундай қилиб ақл топдинг, мол топдинг, бойидинг, дейлик. Энди ана шу бойлигингни сарф қилиб, илм топишинг керак. Бордию, ўзинг ўқий олмасанг, болачақанг ўқисин. Илмсиз охират ҳам йўқ, дунё ҳам. Мен умримда ҳеч қачон, гарчанд итлик қилиб бўлса ҳам, мол топиб, одамгарчилик йўлида сарфлаган бирорта инсонни учратмадим. Ҳаммаси ҳам молни ит азобида топади-ю, итлик қилиб айрилади. Ўлганида эса, азоб-уқубат, оғир меҳнат изи, қайғу-ҳасратдан бошқа ҳеч нарса ортқизиб кетмайди. Борида «Бойман!» деб мақтанса, йўғида «Менинг пешонамга ҳам илгари мол битган эди!», деб мақтанади. Ниҳоят, гадо бўлиб қолгач, хайр-садақа сўрашга, тиланчилик қилишга тушади.

* * *

Иймон деган нарсани Оллоҳ таборак ва таолонинг шак-шубҳасиз бирлиги ва мавжудлигига, пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассаллам воситасида юборган оятларига бўйсуниб, инонмоқ, деб тушуниш керак. Иймон икки турли бўлади. Биринчиси — бирор нарсага иймон келтирганда, аввало, шу нарсанинг барҳақ, мавжуд эканига иймон келтирувчи шак-шубҳа қилмаслиги, уни ақли билан исбот қилиб бериши ва шу тушунчасида барқарор туришдир. Буни иймони солим деймиз. Иккинчиси — китобдан ўқиб ёки муллалардан эшитиб иймон келтирмоқ ва шу ишончда муқим турмоқдир. Иймонли одам агар биров ўлдираман деб қўрқитса ҳам ва бу йўлда бошига минг хил балони тўнкарса ҳам кўнглига шубҳа солмай, иккиланмай, иймон-ишончини мустаҳкам тутмоғи лозим. Буни иймони тақлидий деймиз.

Бундай иймонни басаломат сақлаш учун киши довюрак, ўзига ишонган, асаблари мустаҳкам бўлиши лозим. Энди, иймони солим деган кишиларимиз илмсиз бўлса, иймони тақлидий деган кишиларимизнинг сўзида қарор бўлмаса; алдаганга ё йўлдан оздирган ва ёки нафс балосида бирор манфаат ахтариб, оқни қора, қорани оқ, ростни ёлғон, ёлғонни рост деб қасам ичадиган кишиларга нима дейсиз?

Худойи таоло бундайлардан ўзи асрасин! Аммо, юқорида баён қилганимиз икки турлидан бошқа иймон йўқ, буни билиш зарур. Иймонга шак келтирган бандаларни Оллоҳ таоло авф этмайди ва пайғамбаримиз ҳам унга шафоат қилмайди, бу мумкин ҳам эмас. «Қилич устида шарт йўқ», «Худойи таолонинг к

МЕРОС ВАСВАСАСИ

ёки нега ака ўз синглисини ўлдириш учун қотилларни ёллади?

Юракларни ларзага солган бу ваҳший қотиллик 1993 йил 15 сентябр куни чошгоҳда рўй берди. Эндигина ўн етти баҳорни кўрган гулдай қиз — Гулчеҳранинг умри кутилмаганда ҳазонга айланди.

Унинг сўнгги фарёдини қотиллардан бошқа ҳеч ким эшитмади. Совуқ пичоқ ушлаган совуқ қўллар ўз ёвуз ишини қилди, лекин одамийлик қиёфасини йўқотган тошбағир қотил Гулчеҳранинг беғубор ва маъсума юрагига икки бор пичоқ санчди...

Агар бир тасодиф туфайли Гулчеҳра тирик қолиб, қотилларни ўз акаси ёллаганини ва кўксига санчилган пичоқни ўз қўли билан қотилларга берганини билганида ё эшитганида, барибир, ишонмаган бўларди. Ахир, ота бир, она бошқа ака ўз синглисининг ўлимига асосий сабаб бўлишига ким ҳам ишонарди?

Аслида бундай бўлган. Навоий шаҳар, «Халқлар дўстлиги» кўчасидаги 106-уйнинг 3-хонадонида яшовчи Муҳамедова Ойдин исмли аёлнинг 1976 йилда туғилган қизи Каримова Гулчеҳранинг босқинчилик натижасида ўлдирилиши, акаси Каримов Акмал тузган режа орқали амалга оширилган. Акмал асли ғиждувонлик. Раҳматлик отаси Турсун Каримов узоқ йиллар савдо соҳасида ишлаган. У Навоий шаҳрига келиб, ишлаб юрган кезларида Ойдин Муҳамедовага уйланади. Бундан унинг фарзандлари, айниқса, ўғли Акмал қаттиқ ҳафа бўлади. Бўлади-ю, лекин буни отасига ошкор этмай, зимдан О. Муҳамедовадан қасд олиш пайига тушади. Унинг уйига келганда ё кўриб қолганда бўлар-бўлмас нарсалардан, гап-сўзлардан жанжал чиқаришга уринади. Синглиси Гулчеҳра туғилгандан сўнг ошкора уриш-жанжал қилишга ўтади. Чунки ўзини асосий меросхўр деб билган Акмалнинг нияти отасининг бойликларига эга бўлиш эди.

Меросхўрлик дарди унинг юрагига, танасига канадек ёпишиб олади. Бу давосиз дард туфайли бир сафар Ойдин Муҳамедова билан жанжаллашиб қолиб, унинг бошига енгил машинанинг монтировкаси билан уради. Жонидан тўйган ўғай она Акмалнинг бу қилмиши ҳақида милицияга хабар қилади. Лекин эрининг ялиниб-ёлвориши туфайли Акмалнинг гуноҳидан ўтади. Ўғай бўлса ҳам оналик қилади.

Отасининг О. Муҳамедова билан турмуши мустаҳкамланиб, яхши бўлиб кетишига Гулчеҳранинг туғилиши асосий сабаб деб биларди, Акмал. Шу боис у Гулчеҳрани ёшлигидан кўп хушламасди. Улар билан бўладиган муомаласи сохта ва ёлғон эди. Айниқса, мерос ҳақида ўйлаганида Гулчеҳра кўз олдига келиб, янада нафрати ошарди. Қандай бўлмасин отаси тўплаган меросга эга бўлиш йўлларини изларди. Ҳатто касал ётган отасидан тилхат олиш учун уни қаттиқ қийнайди, касалхоналарга бориб азоб беради. Отаси ҳаётдан кўз юмгач, Акмалнинг меросхўрлик васвасаси авж олиб О. Муҳамедовани бир неча бор қўрқитади. Унга тинчлик бермай, отасидан қолган давлатни қўлга киритиш ниятида ҳийла-найранглар ўйлаб топади. Ҳатто Қизилтепада қурилаётган ҳовлини менга берасан, деб даъво қилади. Табиийки, онаси унинг бу шартига кўнмайди. Шунда Акмал унга, агар кўнмаса, Гулчеҳрани ўлдиришини айтади. Акмалнинг бу совуқ ниятини бечора она одатдагидек пўписа деб тушунади ва унинг бу гапларига унчалик эътибор бермайди.

Акмал ёвуз ниятини амалга ошириш учун 1993 йил 13 сентябр куни уйига илгари судланган Жамшид Абдуллаев ва унинг ҳеч қаерда ишламайдиган ўртоғи Дилшод Тоштановни олиб келади. Уларни обдон ичкилик ичириб, маст қилган Акмал Муҳамедованинг уйига босқинчилик билан кириб, қизни ўлдириб, мол-мулкини, бойликларини олишга ундайди. Агар бу ишларни амалга оширишса, уларнинг ҳар бирига 500 АҚШ долларини беришга ваъда қилади.

Эртаси куни Акмал уларни Навоий шаҳрига олиб келиб, Муҳамедова яшайдиган уйни кўрсатиб, жиноят қилишга тайёрлайди. Айни пайтда қўшни уйда яшовчи, аслида О. Муҳамедова оиласи билан хусуматлашиб юрган Улуғбек Очиловни ҳам улар билан таништиради. «Ўғри ўғрини қоронғида топади», деганлари шу бўлса керак. Чунки Улуғбек Гулчеҳрага уйланиш ниятида уларникига совчи юборганида, қизнинг онаси рози бўлмайди. Оқибатда Улуғбек ҳам бу аёлни ёмон кўриб қолади. Бундан яхшигина хабардор бўлган Акмал Улуғбекни ўз жиноий гуруҳига жалб этади.

Ёвуз ниятда гуруҳ тўплагач, Акмал жиноятни тезкорлик билан амалга оширишда «бош режиссёр» вазифасини ўтайди. Ҳамма ишни шахсан ўзи режалаштиради. У Гулчеҳра яшайдиган уйнинг эшигини шовқин-суронсиз очишни Улуғбекка юклайди. Жамшидга эса Гулчеҳрани ўлдириш учун икки томони ўткирланган қора дастали пичоқ беради. Кейин бу пичоқни ўзига қайтаришни алоҳида тайинлайди.

15 сентябр куни улар О. Муҳамедова яшайдиган уйнинг қаршисидаги «Грилбар» ёнида Акмалнинг «Тико» маркали машинасига ўтириб, она иккинчи қизи Гулмира билан ишга кетганлигини кўриб, подъездга кирадилар. Улуғбекка Гулчеҳра эшикни очмаслигини айтгач, ён қўшниси Марат Московскийнинг эшигини тақиллатадилар. Уйда ёлғиз Маратнинг ўзи экан. Ундан қўшнисиникида ким борлигини сўрашади. У «билмайман» дейди, сўнг Маратдан Гулчеҳраларнинг эшигини очиб беришни талаб қилишади. У бунга кўнмагач, уриб қўрқитишади. Бегоналарнинг важоҳатидан қўрққан Марат Гулчеҳрадан эшикни очишни сўрайди. Гулчеҳра қўшниси Маратнинг овозини эшитиб, эшикни очади. Очади-ю хонага бало-қазодай ёпирилиб кирган босқинчиларни кўриб, ниҳоятда қўрқиб кетади. Маратни ўз хонасига қайтариб киритиб юборишади. Ишни режа асосида ташкиллаштирган Акмал секин ташқарига чиқиб, ўз машинасида ўтириб уларни кута бошлайди.

Кўзлари қонга тўлган Жамшид билан Дилшод дастлаб хоналардан тилла тақинчоқлар, пул ва бошқа қимматбаҳо нарсалар излайдилар. Гулчеҳрани уйдаги темир сейфнинг калитини топиб бер деб, қийнайдилар. Шўрлик Гулчеҳра калитнинг қаердалигини билмаслигини такрор-такрор айтади. Шундан кейин улар Гулчеҳранинг оғзини ёпиб, маҳкам боғлаб ташлайдилар. Шундан сўнг Улуғбек Маратга кўз-қулоқ бўлиб туриш учун хонадан чиқиб кетади. Жамшид билан Дилшод янги «Авнитоне» маркали магнитофонни, тилло занжир, сирға, туфли, 28 метр ноёб мато ва бошқа нарсаларни сумкаларга жойлайдилар. Шу пайт кутилмаганда эшик тақиллаб қолади. Бундан саросимага тушган Жамшид қўлидаги пичоқни икки марта Гулчеҳранинг кўкрагига санчади. Бечора Гулчеҳра қотиллар қўлида бир лаҳзада жон беради. Қотиллар эса зудлик билан балконга ўтиб, темир панжарани кўтариб, иккинчи қаватдан сакраб тушиб, ўзларини Акмалнинг машинасига урадилар.

Эшикни Гулчеҳранинг укаси Умид тақиллатган экан... Бир оздан сўнг Умид дод солиб Маратнинг уйига кириб, опаси Гулчеҳрани ўлдириб кетишганини ва тезроқ бу ҳақда милицияга хабар беришини сўрайди. Улуғбек бекинади, Марат эса милицияга телефон қилади. Умид чиқиб кетгач, Улуғбек ҳам чиқиб, Акмалнинг машинасига бориб ўтиради.

Акмал режаси амалга ошганидан мамнун бўлиб, машинасини ҳайдаб катта йўлга чиқади. Улуғбекни ишхонасига яқин жойда қолдиришади, Жамшид Гулчеҳрани ўлдирганлигини исботлаш учун Акмалга қонли пичоқни беради. Бемеҳр ва бешафқат ака ўз синглисининг қонини кўриб сесканмайди ҳам. У узоқ йиллик ғаразли мақсади амалга ошганига ишонч ҳосил қилгач, уларнинг ҳар бирига 500 доллардан бериб, машинадан тушириб, гўё иш билан юргандек «Госснаб» ташкилотига кетади. Жамшид билан Дилшод бошқа машина ёллаб сумкаларни олиб Бухорога жўнайдилар...

Бу мудҳиш жиноий иш билан Навоий вилояти прокуратурасининг катта терговчиси М. Ҳайдаров шуғулланди. Узоқ ва машаққатли изланишдан сўнг ушбу жиноят илдизлари тўла очилиб, айбдорлар қора курсига ўтирдилар.

Бу ҳақда Навоий вилоят прокурори Ботир КАЛОНОВ шундай дейди:

— Жиноят ҳеч вақт жазосиз қолмайди. Терговчиларимизнинг икки йиллик жиддий изланишларидан сўнг, мазкур жиноятни очишга эришдик. Лекин бу жараён осонгина кечгани йўқ. Прокуратура ходимларининг сидқидилдан фидойилик билан ишлашлари оқибатида ҳар қандай жиноятни очишга муваффақ бўлаяпмиз. Агар эътибор берилса, ушбу жиноятнинг бош сабабчиси Акмал Каримов. У узоқ вақт отасидан қолган бойликни қандай йўл билан бўлмасин, қўлга киритишга ҳаракат қилиб, юқоридаги жиноятни шахсан ўзи уюштирди. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 78-1 моддаси 1-қисми, 127-моддаси 4-қисми ва 80-моддасининг 1-, 8-бандлари билан ҳақиқий айбдор деб топилди. Унинг шериклари устидан ҳам суд ҳукми ўқилди. Содир этилган бу оғир жиноят кўпчиликка сабоқ бўлиши керак.

Навоий суди раиси муовини Малика ФОЗИЛОВА сўзидан:

— Бу жиноят бойлик орттириш мақсадида қасддан қилинган. Акмал отасидан қолган катта бойликка эга чиқишни ўйлаган. Отаси О. Муҳамедовага қонуний ўйланган. Меросни кимга қолдириш унинг ихтиёрида бўлган. Ота вафот этгач, Акмал ундан қолган меросни зўравонлик билан қўлга киритишни ва ўзича катта бойликка эга бўлишни кўнглига туккан.

Шу йил 2 октябр куни вилоят судида ушбу жиноий иш менинг раҳбарлигимда кўриб чиқилди. Қотиллик ва босқинчилик қилиб оғир жиноят содир этганликлари учун Каримов Акмал, Абдуллаев Жамшид, Тоштанов Дилшод, Очилов Улуғбек олий жазо — отувга ҳукм қилинди. Марат Московский саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди...

Эсизгина Гулчеҳранинг маъсума умри. Мерос васвасаси, кин- адоват, эгрилик боис эрта ҳазон бўлди.

Адоват, хусуматнинг оқибати шунчалар оғир. Молғарот, жон ҳам — ғарот деб шуни айтсалар керак.

Ашурали ЖЎРАЕВ,
Навоий

ШИРИН СЎЗЛИК УЙҒУР ШОИРИ

Биз эллик олтинчи йилда ёш-ёш йигитчалар эдик. Эндигина университетга таҳсилга кирган, шундай улуғ даргоҳда ўқиш насиб этганидан бошимиз осмонда эди.

Оламга ўша пайтда университет баландлигидан туриб қарардик, бизга янги китоблар, назаримизда янги илм-фан дунёларининг дарвозалари очилган эди.

Ўшанда бизнинг биринчи курсимизга бир неча уйғур йигит-қизлар ҳам кириб келдилар. Улар биздан ўзларини сира бегона тутмаганлари каби, биз ҳам улар билан яқин дўстлашиб кетдик.

Шу янги дўстларимиз орасида ёши биздан анча-мунча каттароқ бир киши ҳам бор эди. У доим қимтиниб турар, сўйлашганда ҳам бетламайгина ажиб бир мулойимлик билан сўзлашар, бизга қараганда, анча билимдон, кўпни кўрган, кўп нарсаларни бошидан кечирган, тажрибакор кишига ўхшаб турар эди.

У бошқа уйғур биродарларимиз каби ўта қунт ва тиришқоқлик билан ўқирди. Унинг Хитой мамлакати ҳаёти, маданияти, тарихини ва айниқса, хитой тилини билиши, эски қўлёзмаларни қийналмай бемалол ўқиши бизга мўъжиза бўлиб туюларди.

Лекин у ўзининг билимдон эканлигини, кўп нарсалардан хабардорлигини сира билдирмас, ўта камтар, хоксор эди.

Сал кейинроқ унинг шоир эканлигини ҳам билдик. Унинг аллақанча драма ва комедиялари уйғур элида ёзилган ва саҳналарда ўйналган эди.

Бу ажойиб инсон ва шоир Рўзи Қодирий эди.

Рўзивой ака биз ёшлар қизиқиб сўраганимизда ўзи ҳақида, сеҳрли диёр бўлиб туюлгувчи Қашқар ҳақида кўп сўйларди.

Рўзивой ака 1925 йилда Қашқар шаҳри яқинидаги Тошмалик қишлоғида дунёга келган. Отаси Қодирохун илм-фанга қизиққан деҳқонлардан эди. Рўзи Қодирий ўттизинчи йилларнинг бошларида диний мактабда саводини чиқарди. Навоий, Хўжа Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Суфи Оллоёр, Машраб ғазал ва достонлар дунёсини севиб ўрганди, ғазалларини ёд олди. Кейин ўқишни янги усул мактабларда давом эттирди. Қирқинчи йилларнинг бошларида гимназияда ўқиди. Гимназияни аъло тугатгач, Урумчи институтида таҳсил кўрди.

Шу пайтлардан унинг эрк, тенглик, халқ тақдири ҳақида шеърлари, қатор-қатор мақолалари матбуот юзини кўрди.

Унинг «Эзилган деҳқон» драмаси саҳнада қўйилгач, ўша пайтдаги Гоминдан ҳукумати ёш шоирга бошқача кўз билан қарай бошлади.

Гоминдан истеъдодли ёш Рўзи Қодирийни ўзи учун хавфли деб билди ва уни қамади.

Рус элчиси ўшанда уни совет фуқароси деб, қамоқдан қутқариб олди ва Ғулжага бориб яшашни маслаҳат берди.

Рўзи Қодирий 1950 йилда Хитойда Халқ ҳукумати давлат тепасига келгандан сўнг Қашқарга қайтди ва турли санъат ва адабиёт бирлашмалари, идораларида фаол хизмат қилди.

Меҳнат, кураш ва уйғонишга чорлаб, «Тун ва тонг». «Голиблар тўйи», «Очилган чечаклар», «Янги ҳаёт» деган драматик асарлар ёзди.

Рўзи Қодирий 1955 йилда Тошкентга келди. Биз билан бирга беш йил университетда ўқиди.

Тошкент, Ўзбекистон унинг иккинчи ватани бўлиб қолди. Бу ерда у униб-ўсди. Олим ва шоир сифатида жуда самарали ишлади ва эл-юртга танилди.

Унинг Ўзбек ва уйғур, рус тилларида қатор-қатор шеърий китоблари босилиб чиқди. «Кураш илҳомлари», «Уйғур қўшиқлари», «Қутлуғ диёр», «Қалбим сизники», «Ғурурим» сингари тўпламлари уйғур адабиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Рўзи Қодирий Ўзбек ва уйғур адабиётининг яхши бир намояндасидир.

Ажойиб, камтарин инсон, ниҳоятда заҳматкаш ижодкор дўстимиз ва қадрдонимизни етмиш ёши билан чин юракдан қутлаймиз. Ижод машаққати билан келадиган инсоний саодат, қут ва эминлик унга ҳамиша ёр бўлишини тилаймиз.

Иброҳим ҒАФУРОВ

Рўзи ҚОДИРИЙ

ТУРОН

(Қасида)

I.

Сенинг жонинг — менинг жоним азал бир жон эмасму.
Бирмас, балки бўлса минг жон сенга қурбон эмасму!
Аждодимиз маъмур этган беҳудуд Туронимсен,
Сени севмоқ: «Ҳуббул Ватан миналимон» эмасму!
Турон деган садо келар эллик аср қаридан,
Ўша туро унган-ўсган ер номи Турон эмасму!
Мангу савлат, салобатин тўкаётган Тангритоғ,
Буёғи ҳам, уёғи ҳам жаннат макон эмасму!
Онасойдан Лобнор қадар, Олтойдан Эдилгача,
Етти дарё бўйлари ким туркий жаҳон эмасму!
Мен Қашқардан тоғ ёқалаб келган жигарғўшангмен,
Фарзандлик бурчим бажармоқ амри виждон эмасму!
Тангритоғни қучиб, ошиб тушдим қутлуғ Тошкентта
Тошкент ёғдусин симирмоқ васли армон эмасму!
Истиқлол туғ кўтариб боз туғилдинг Туронжоним,
Бу порлоқ келажагингдан яққол нишон эмасму!
Бу жон: ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик жони ҳам,
Қорақалпоқ, уйғур жони унга эш жон эмасму!

II.

Буюкликка интилмоқ чўнг бобом ўғуздан мерос,
Қондин қонга ўтиб, сингиб кезувчи онг эмасму!
Тарих шоҳид Афросиёб доно, марду шоҳсувор,
Турон қудратин намойиш этолган хон эмасму!
Оламда салкам тўрт аср шон ёйган қорахонлар,
Куч-қурби барча иқлимга бир-бир аён эмасму!
Мўғул зулмин даф қилолган, Туронни бириктирган,
Доҳий бобо Амир Темур — соҳибқирон эмасму!
Созга солдим миллий чекни билмас эзгу туйғуси,
Куйи бирлик, адолатдан урилган бонг эмасму!
Фарзандлик, дилбандлик ҳақи меҳнат, заҳмат чекгумдир,
Ҳар тонг хокинга кўз сурмоқ дилдан фармон эмасму!
Лилло, сўзим айтаяпман иймон, эътиқод билан,
Мен Туронга туғма фидо, балогардон эмасму!
Аммо ҳануз ҳасад суқин, заҳрин солар пинҳоний,
Яхшиларни кўролмас у илон-чаён эмасму!
Икки оламда яхшилик удуминг, фазилатинг,
Яхшилик қилмоқ ҳамиша шарафу шон эмасму!
Нечун жўшиб, ёниб қўшиқ янгратмасин Қодирий,
Ватанни куйлаш шоирга буюк унвон эмасму!

АКС САДО

АФСОНАВОР ҲАЁТ

Кекса журналист дўстим Қамариддин Исломовнинг ўз падари бузруквори ҳақидаги эҳтиросли ёдномасини «Миллий тикланиш» саҳифаларида ўқиб мамнун бўлдим. Балли, солиҳ фарзанд муҳтарам қиблагоҳи хотирасини азиз тутиши бундоқ бўпти! Ҳасан отанинг фариштадек нурли қиёфаси кўз ўнгимда қайтадан яққол гавдаланди.

Қайтадан деяётганимнинг боиси шуки, бу табаррук зотни мен ёшлигимдан буён танир, у киши билан маълум муддат бирга ишлашган ҳам эдик. Бизнинг ёшлик йилларимиз фашизмга қарши мислсиз жанглар даврига тўғри келди.

1941 йил 22 июнда уруш бошлангач, дастлабки ойлардаёқ Ҳасан ота Исломов республика қарияларининг ватанпарварлик ҳаракатига бошқош бўлиб, ўзининг аскар ёшидаги фарзандларини ҳимояга отлантирган ва эл оғзига тушган эди. 1941 йил охирида Ўзбекистондан фронтдаги жангчиларга совға-саломлар олиб борган икки делегациянинг бирига ўша вақтдаги Президентимиз Йўлдош Охунбобоев, иккинчисига эса паҳлавон келбатли забардаст қария Ҳасан ота Исломов раҳбар қилиб тайинланганлиги, улар ўша даврнинг машҳур саркардалари Рокоссовский ва Говоров қўмондонлигидаги ҳарбий қисмларда ҳайратомуз ишларни амалга оширганликлари матбуот ва радио орқали Ўзбекистондан узоқ-узоқларга ҳам таралган эди.

Ўшандоқ дамларда республика раҳбарлари Тошкент шаҳридаги ҳар бир туманда қариялар тўпланиб, оммавий-тарғибий ишларни амалга оширадиган марказлар ташкил этишни Ҳасан ота зиммасига юклашди. Ҳасан ота ўзлари собиқ Октябр (ҳозирги Шайхонтаҳур) туманида Калонхона маҳалла чойхонасида ташкил этилган марказга бошчилик қилганлари ҳолда таниқли жамоат арбоби Султонхўжа Қосимхўжаевни (собиқ Киров тумани), республика хизмат кўрсатган ўқитувчи Шомансур Шоюнусовни (собиқ Москва тумани), кекса шоир Соқийни (собиқ Сталин тумани) қариялар марказларига раҳбар сифатида тавсия этдилар ва ҳамма марказларнинг иши тез орада гуркираб кетди. Бу марказлар урушнинг барча фронтлари билан алоқа ўрнатган бўлиб, фронт ва мамлакат ичкариси ўртасида энг яхши маънодаги воситачи вазифасини бажарарди.

Биз яшайдиган Лангар маҳалласи Калонхонанинг биқинида жойлашгани сабабли маҳалла ўспиринлари Ҳасан ота бошлиқ қариялар маркази атрофидан кетмасдик. Ҳасан ота марказининг ҳайъати ҳали-ҳали кўз ўнгимда; аср бошларида Тошкентда биринчи миллий матбаа очган, шу калонхоналик машҳур Ғулом-ҳасан Орифжонов, устозлар устози, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Шораҳим Шоумаров, жадид адабиётида сезиларли из қолдирган Мўминжон Муҳаммаджон ўғли (Тошқин), созлар сеҳргари Уста Усмон Зуфаров, таниқли арузнавис шоир Ҳайбатулла Хислат, улардан ташқари Абдулғафур Ҳақирий, Мутеий сингари шоирлар марказ фаолиятининг асосий юкини ўзгималарига олишган эди.

Бугина эмас. Ўз замонасининг машҳур хонанда-созандалари, шу Калонхона маҳалласида истиқомат қилувчи Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов билан Азмиддин Тўрахонов, шунингдек, Ғанижон Тошматов, Бобохон ва Акмалхон Суфихоновлар, Шоқосим ва Шоолим Шожалиловлар сингари таниқли санъаткор, Маматбува Ваҳобов, Ғулом қадоқчи, Мамажон ҳожи сингари беназир аскиячилар ҳар куни 200-300 қария издиҳом тутадиган марказнинг бадиий қисми учун ўзларини масъул этиб, уруш изтироблари эзган юракларга малҳам бўлишар эди.

Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Чустий, Ҳабибий каби забардаст шоирлар ўша йиллари яратган қанчадан-қанча шеърларини илк бор шу марказдаги қариялар имтиҳонидан ўтказиб, оқ фотиҳа олгандан кейингина матбуотга берганликларининг гувоҳи бўлганман.

Марказнинг алоҳида мавқеи яна шу билан ҳам белгиланар эдики, ўша даврнинг халқ севган раҳбарлари: Усмон Юсупов билан Йўлдош Охунбобоевдан ташқари Ўзбекистон халқ комиссарлари Совети раиси Абдужаббор Абдураҳмонов, Тошкент шаҳар Совети раиси Содиқ Ҳусаинов, яна қанчадан-қанча раҳбарлар, фан-маданият арбоблари Калонхона чойхонасига тез-тез меҳмон бўлиб, қарияларга ҳар куни тортиладиган бир навгина таомларни оддий сопол косаларда тановул қилиб, сопол пиёлаларда чой ичиб, анвойи мавзуларда дилкаш суҳбатлар ўтказишар, узоқ муддат чойхонада қолиб кетишар эди.

Шоирлар сардори Ғафур Ғулом Ҳасан ота ҳақида достон ярата бошлаганини айтиб, Қамариддин Исломов ўз мақолаларига аср дастхатидан фотонусха ҳам илова қилгани газетхонлар эътиборидан четда қолмаган бўлса керак. Мен яна баъзи мисолларни келтирмоқчиман. Уруш даврининг ўрталарига бориб Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри саҳнасида Погодин (бу ўша машҳур рус драматурги Николай Погодинми ёки унга фамилиядош бошқа ижодкормиди, билолмадим) ҳамда Ваҳоб Рузиматов қаламига мансуб бўлган «Катта оила» пиесаси кенг шуҳрат қозонди. Пиесани неча марта томоша қилган бўлсам, залда бўш ўринлар борлигини кўрган эмасман. Ғап шундаки, Ҳасан ота пиесага исми шарифи билан бош қаҳрамон сифатида киритилган эди. Пиесада асосий жиҳатлари моҳирона тасвирланганидан ташқари қадди-қомати, юриш-туриши Ҳасан отага жуда ҳам ўхшайдиган артист Ислом Усмонов ўз қаҳрамонини ҳаётда узоқ кузатиб, ўрганиб, унга хос кўпгина хусусиятларни саҳна талабаларига мос равишда яққол гавдалантира олган эди.

Ўзбекистон радиосининг таҳририятлари, ўша йиллари ўз эшиттиришларига Ҳасан отани тез-тез таклиф этар, унинг барча тингловчилар учун қизиқарли ва қадрли бўлган суҳбатлари эфир тўлқинлари орқали республикамиздан узоқ-узоқларга ҳам етиб борар эди.

Уруш тамом бўлгандан кейинги бир неча йиллар мобайнида ҳам таниқли ёзувчи Ҳаким Назир бошлиқ болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар таҳририяти томонидан тайёрланган бу материаллар ниҳоятда тансиқ бўларди.

Қирқинчи йиллар охирида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёти институти аспирантурасида таҳсил олаётган кезларимда, Ҳасан ота менга Калонхона марказининг маданий-оқартув ишлари билан шуғулланишимни таклиф этдилар. Мен бундай илтифотдан мамнун бўлдим ва 1950 йил охирига қадар, яъни марказ ўз фаолиятини тўхтатгунга қадар штатдаги ходим сифатида шу вазифани ихлос билан адо этдим. Ҳасан ота қўл остида ишлаган давримда бу табаррук зотни яқиндан кузатиб, у кишининг худодод фазилатларидан ҳайратга тушар эдим.

Бундай фализатлардан бири у кишининг нотиқлиги, издиҳомдагиларни, илк қарашда соддадек туюладиган гаплари билан сеҳрлаб қўйиши эди. Бирор кун йўқ эдик, Ҳасан ота марказ қариялари олдида нутқ сўзламасалар. Ҳазрат Навоий «Мажолисун нафоис»нинг еттинчи мажлисида Амир Темурнинг бир ажойиб фазилатига тўхталиб: «Темур Қурагон... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайтурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор», дея алоҳида ифтихор билан ёзган эдилар. Бадиият оламидан пухта хабардор бўлган, ўзлари ҳам яхшигина байтлар битган Ҳасан ота қариялар издиҳомида сўзлаганда мумтоз шеъриятимиздан, бой диний-маърифатпарварлик адабиётимиздан, халқ оғзаки ижодидан узукка кўз қўйгандек нутқ мавзуига мос тушадиган ажойиб намуналарни келтириб, тингловчиларни сеҳрлаб қўярдилар.

Ҳасан ота ўта жасур, айни вақтда тиниб-тинчишни, чарчашни билмайдиган қария эдилар. Уруш тугагандан сўнг, саксон ёшларида ҳам Ҳасан ота марказ фаолиятидаги энг оғир юмушларни шахсан ўзлари бажарар, қарияларнинг моддий таъминотидек сермашаққат, шахсан ишни асосан ўзлари амалга оширар эдилар. Ҳасан отада мен яққол кўрган яна бир ибратли фазилат шу бўлдики, у киши нафси шайтонни енгган, саҳобалардек ҳаёт кечирар эдилар. Уша кезларда отанинг кенжа ўғиллари Чаман ҳар куни халта қўлтиқлаб Калонхона чойхонасига келар, онаси кечқурун пишириши лозим бўлган таомнинг номини отасига маъқул қилар ва фақат ўша кунлик таомга лойиқ масаллиқни қатъий ўлчов асосида олиб қайтар эди. Баъзи кунлари у ўйга бир неча аёл меҳмонлар келишини, шу важдан тансиқроқ овқат пишириш, баъзи ширинликлар ҳам зарур бўлишини иймана-иймана отага маълум қилар эди. Бир сафар Чамандан катта ўғиллари Қамариддин маълум муддат марказда хизматда бўлган чогида ўзига қонуний тарзда берилган иккита пончик (қуруқ хамирнинг ўзидан пиширилган сомса)ни ўзи емай, нимжон опасига олиб бориб берганлиги учун Ҳасан ота томонидан «ташимачи» деб номланиб, жиддий танбеҳ олган эди.

Ҳасан отанинг бундай ибратли жиҳатлари кўп бўлиб, улардан айримлари ҳақидагина тўхталдик. 1927 йилдаёқ Меҳнат Қаҳрамони фахрий унвонига муносиб кўрилган, кейинчалик бошқа фахрий унвон ва ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган Ҳасан ота Исломов худди афсоналардагидек кўркам ҳаёт кечирган, халқ орасида ардоқланган ва боқийликка юз тутган асил инсон эдилар.

Шариф ЮСУПОВ,
профессор

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси

◆

Бош муҳаррир:
Иброҳим ҒАФУРОВ

◆

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган

◆

Буюртма: Г — 0530.

◆

3000 нусхада босилди

◆

Сотувда нархи эркин

◆

Ҳажми 2 босма табоқ

◆

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди

◆

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 33-50-18.

◆

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

◆

Навбатчи муҳаррир — Муҳаммад Исмоил

БОЙ ВА БАХТЛИ БЎЛАСИЗ!

«ХЎЖАЛИК ВА ҲУҚУҚ» — «ХОЗЯЙСТВО И ПРАВО»
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бу сизнинг янги журналингиз, мустақиллик нишонаси, ҳуқуқий жамият шаклланаётган, бозор иқтисоди қарор топаётган бир даврда кўмакчингиз, хўжалик судлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, иқтисодчилар, тадбиркорлар, бизнесменлар, сотувчилар ва олувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар — ҳамманинг журнали!

ОБУНА НАРХИ
РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИ ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Якка тиртибдаги обуналар учун:
6 ойга — 157 сум 80 тийин.
12 ойга — 315 сум 60 тийин.
Нашр индекси — 75510

Ташкилотлар учун:
6 ойга — 241 80 тийин.
12 ойга — 483 сум 60 тийин.
Нашр индекси — 75511

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Якка тартибдаги обуначилар учун:
6 ойга — 123 сум 30 тийин
12 ойга — 245 сум 60 тийин.
Нашр индекси — 75510

Ташкилотлар учун:
6 ойга — 207 сум 30 тийин.
12 ойга — 414 сум 60 тийин.
Нашр индекси — 75511

«Хўжалик ва ҳуқуқ» — «Хозяйство и право» журналига обуна бўлинг! Иш ўрганасиз, ҳуқуқий билимингиз ошади, иқтисодий тафаккурингиз чархланади, бой ва бахтли бўласиз!